БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 11 (4110)
14 ЯНВАРЬ, 1980 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

1984 ЙИЛ ҲИСОБИГА

«Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи беш йилликнинг якунловчи йилини зарбдор суръатда бошлади. Шу кунларда бирлашманинг ҳамма цех ва участкаларида доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига социалистик мусобақа кенг қулоч ёйдирилмоқда. Бирлашмада машъал ишчилар ҳақида гап кетадиган бўлса кўпчилик В. Ишкова, Н. Павлова, В. Лошакларнинг номини фахр билан тилга олади. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки улар иш вақтидан самарали фойдаланишади, иқтисод ва тежамкорлик шиорига қатъий риоя қилишади. Иш вақтидан унумли фойдаланиш бу илғорларга доимо вақтдан ўзиб ишлаш имконини бермоқда. Уларнинг айни шу кунларда 1984 йил ҳисобига меҳнат қилаётганлиги ана шу фикрнинг ёрқин далилидир.

Бирлашма коллективи ўртасида бу илғорларнинг меҳнатидан ўрнак олаётган ишчилар сони кун сайин ошиб боряпти. Бу нарса янги-янги ташаббусларнинг туғилишига имкон беряпти. Жумладан, тўқимачилар В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига маҳсулотни реализация қилиш бўйича тўрт ойлик топшириқни муддатидан тўрт кун илгари адо этишга қарор қилдилар. Бундан ташқари буюмларнинг янги турларини ўзгартиришга ҳам эътибор беряпти. Бу йил буюмларнинг камида ўн хил янги турини ўзлаштириш — бирлашма коллективининг режаларидан биридир. Шунингдек, ҳозирги пайтда ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг ҳар иккисининг биттасидаги безакни ўзгартириш ҳам тўқимачиларнинг эзгу ниятидир.

Мамлакатимиз транспорт корхоналари учун турли кўтарма механизмлар тайёрлаб бераётган Тошкент «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи беш йиллик топшириқларини шараф билан адо этмоқда.

СУРАТДА: бирлашма 1-йиғув-механика цехининг илғор токари коммунистик меҳнат зарбдори Фаёз Садриддинов. У смена-ойлик топшириқларини мунтазам 120—130 процент адо этиб, кўпларга ўрнак бўлмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИДА

В. И. ЛЕНИН ЮБИЛЕЙИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИ «В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ АВИАЦИЯ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ ТИКУВЧИЛИК, «ТОШКЕНТ» МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАЛАРИ ВА ХИМИЯ-ФАРМАЦЕВТИКА ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ 1980 ЙИЛНИ ЛЕНИНЧА ЗАРБДОР МЕҲНАТ ЙИЛИГА АЙЛАНТИРИШ, В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 110 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ ЮЗАСИДАН ЎЗ ЗИММАЛАРИГА ОЛГАН ОШИРИЛГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ ТУҒРИСИДА»ГИ МАСАЛАНИ КУРИБ ЧИҚДИ.

Қабул қилинган қарорда В. П. Чкалов номли авиация, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмалари, химия-фармацевтика заводининг раҳбарлари ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун ишлаб чиқариш коллективларининг ижодий ташаббускорлиги ва юксак активлигини юксалтириш бўйича бирмунча ишларни олиб бормоқда, деб таъкидланади.

Беш йилликнинг тўрт йили топшириқлари муваффақиятли бажарилди. Фақат мазкур корхоналарнинг ўзи 1979 йилда пландан ташқари 13 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилдилар. Ушбу корхоналарнинг партия ташкилотлари эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш ишларини изчиллик билан олиб бормоқдалар, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани янада авж олдирмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорлари ва КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги тўғрисида»ги қарорига жавобан юқорида айтилган корхоналарнинг коллективлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилини ленинча зарбдор меҳнат йилига айлантиришга, Ленин юбилейини муносиб кутиб олишга аҳд қилдилар ва ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар.

В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини янада оширишнинг, фан-техника тараққиётини тезлаштиришнинг ички резервларини излаиб, маҳсулот реализацияси ҳажми бўйича ўнинчи беш йиллик топшириғини Улуғ Октябрнинг 63 йиллигига, 1980 йилнинг тўрт ойлик давлат планини эса В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бажаришга, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг 1979 йилга нисбатан 13 процент ўсишини таъминлашга, давлат Сифат белгиси бўлган истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни 65 процентгача етказиш; 400 тонна қора ва рангли металларни, 5,3 миллион киловатт-соат электр энергия, 650 тонна шартли ёнилғи тежашга қарор қилди. Улуғ доҳий юбилейига қадар самолётсозларнинг маданият саройини фойдаланишга топшириш белгиланди. Бирлашманинг минглаб ишчилари 1980 йилнинг 22 апрелига қадар шахсий беш йиллик топшириқларини адо этиш мажбуриятини олдилар.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмасининг коллективи ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари бўйича 1980 йилнинг охирига қадар икки беш йиллик топшириқларини бажарилишини таъминлашга қарор қилди. Шу йилнинг 22 апрелига қадар беш йилликнинг тўрт ярим йили плани адо этилади. Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида пландан ташқари 2 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишга аҳд қилинди. Ялпи ишлаб чиқариш ҳажмидаги давлат Сифат белгиси бўлган буюмлар салмоғи 30 процентгача етказилади. 300 дан зиёд тикувчи В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажариш мажбуриятини олди. 1980 йилда бирлашманинг тўрт ишлаб чиқариш бирлашмасини Волга автомобиль заводининг прогрессив иш методига ўтказишга қарор қилинди.

«Тошкент» мебель бирлашмасининг коллективи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш учун социалистик мусобақани ташкил этишни янада такомиллаштириш асосида ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг меҳнат активлиги ва ташаббускорлигини ошира бориб 22 апрелга қадар пландан ташқари 532 минг сўмлик, йил охирига қадар 1,6 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олди. Уч хил янги буюмни ўзлаштириш белгиланди. Буюмларнинг 20,6 проценти давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилиши таъминланади. Тўрт бригада ва 250 ишчи доҳий юбилейига қадар ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажариш мажбуриятини олди.

Мебелсозлар хом ашё ва ёнилғи энергетика ресурсларидан тежамкорлик билан рационал фойдаланиш ҳисобига 17,3 минг сўмлик хом ашё ва материалларни, 160 минг киловатт-соат электр энергия, 183 тонна шартли ёнилғи тежашга аҳд қилдилар.

Химия-фармацевтика заводининг коллективи 1980 йилда 500 минг сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан муқобил план қабул қилди. Шу жумладан 120 минг сўмлик маҳсулот шу йилнинг 22 апрелига қадар ишлаб чиқарилади. 140 минг сўмлик янги прогрессив ускуналарни, шу жумладан, гранул ва эластик бинтларни қадоқлайдиган автоматларни жорий этиш, техника тараққиёти ва рационализаторлик таклифлари бўйича тадбирларни жорий этиш ҳисобига 300 минг сўмлик иқтисодий самара олишга қарор қилинди.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети 1980 йилни ленинча зарбдор меҳнат йилига айлантириш ва В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш бўйича В. П. Чкалов номли авиация, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмалари ва химия-фармацевтика заводи коллективларининг оширилган социалистик мажбуриятларини маъқуллади.

Ўзбекистон КП шаҳар комитети район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига коллективларда пешқадам корхоналар коллективларининг қимматли ташаббусларини кенг ёйишга қаратилган зарур ташкилий, оммавий-сиёсий ва тушунтириш ишларини олиб боришни тавсия этди.

Ҳар бир корхонада коллективнинг меҳнат активлигини ошириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, ишлаб чиқаришнинг мавжуд ички резервларини изланиш ва улардан фойдаланиш, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини қўллаш, хом ашё ва материалларни тежамкорлик билан рационал сарфлаш, В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг ташкил этиш имкониятларини кўриб чиқиш ва шу асосда 1980 йил, умуман беш йиллик топшириқлари ва мажбуриятларининг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш зарур.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари, радио ва телевидение редакцияларига 1980 йилга оширилган социалистик мажбурият қабул қилиш бўйича қимматли ташаббуснинг шаҳар саноат корхоналари коллективлари томонидан қўллаб-қувватланиши ва ривожлантирилиши ҳақидаги материалларни мунтазам ёритиб бориш тавсия этилди.

ЮКСАК УНУМ БИЛАН

«Главташпассавтотранс» бошқармасининг 1-автокомбинати коллективи янги йилнинг дастлабки куниданоқ яхши суръат билан иш бошлади. Автокомбинатнинг ҳар бир ҳайдовчиси шу кунларда юксак унум билан ишлашга интилиб, яхши кўрсаткичларга эришмоқда.

Ҳайдовчилар ўртасида мусобақа намунали йўлга қўйилган. П. Ляшченко, Т. Йўлчиев, Ҳ. Раҳматуллаев сингари илғорлар шу кунларда келгуси йил ҳисобига ишлашмоқда. Бу ҳайдовчилар доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада авж олдириш ташаббуси билан чиқишди.

ПРАВДА саҳифаларида

● «Совет кишисининг ҳаётий позицияси» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

● Кеча матбуотда эълон қилинган ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Правда» газетаси мухбирининг саволларига жавоби бутун дунёда катта қизиқиш уйғотди. Кўпгина мамлакатларнинг газеталари ушбу жавобларнинг тўла текстини ёки батафсил баёнини кўринарли жойлардан эълон қилдилар. Оммавий чет эл ахборот воситалари, жамоатчилик вакиллари совет раҳбарининг жавобларини шарҳлаб, уларда энг муҳим ва кескин халқаро проблемалар чуқур таҳлил этилганлигини таъкидламоқдалар. «Диққат марказида»— сарлавҳали мақолада газета чет эл газеталарининг обзорини берган.

● Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, газетага йўлланган мактублар, чет эллардан олинган телеграммалар эълон қилинган.

Афғонистон империализмнинг кирдикорларига зарба бермоқда

Халқаро мавзуда суҳбат

СССРнинг жанубий чегараларида жойлашган 18 миллион аҳолиси бўлган Афғонистонда янги йил арафасида муҳим воқеалар юз берди. Шу воқеаларнинг аҳамиятига тўғри баҳо бериш учун бу мамлакатнинг ўтган бир ярим йилдан кўпроқ вақт мобайнида босиб ўтган йўлини эслатиш керак бўлади.

1978 йил апрель ойида у ерда феодализмга қарши, империализмга қарши революция бўлди. Афғонистон халқ демократик партияси раҳбари Н. М. Тараки бошчилигидаги янги раҳбарлар чуқур ижтимоий иқтисодий ислоҳотларни, биринчи навбатда, ер ислоҳотини амалга оширишга киришдилар. Революцион ҳукуматнинг бу тадбирларига ташқаридан империализм кучлари қўллаб-қувватлаган ички реакция жон-жаҳди билан қарши чиқди.

Ўз имтиёзларидан маҳрум этилган помешчиклар, капиталистлар, руҳонийлар ва уларнинг малайлари дарҳол чет элдан, биринчи навбатда Покистон территориясидан мадад ола бошладилар. Покистонда Америка ва Хитой ҳарбий маслаҳатчиларининг ёрдами билан 12 та лагерь тузилди. Афғонистон аксилинқилобчиларидан 5 мингга яқин киши шу лагерларда тайёргарликдан ўтди. Улар янги тузумни барбод этиш мақсадида Афғонистонга қарши ҳуруж қила бошладилар. Қўпорувчи шайкалар кўприкларни, мактабларни бузиб ташладилар, ўқитувчиларни ўлдирдилар. Бандитлар янги маъмурлар очган мактабларга қатнаётган болаларнинг қўлларини кесдилар. Бу қўпорувчилик ишларига АҚШ билан Хитой молиявий ёрдам бериб турди. Бу мамлакатларда, шунингдек Покистонга афғон аксилинқилобчилари учун қурол-яроғ ва ҳарбий анжомларнинг катта-катта туркумлари етказиб берилди. АҚШ Марказий разведка бошқармасининг агентлари шу вақт ичида Афғонистоннинг давлат аппаратида қўпорувчилик ишларини олиб бордилар.

Мамлакатда ҳокимиятни ўз қўлига олган Амин апрель революциясига хиёнат қилиб, унинг душманлари билан тил бириктирган ва АДР президенти Н. М. Таракини ўлдиргандан кейин аҳвол янада оғирлашди. Амин мамлакатда террор ва зўравонлик режимини ўрнатди. Минг-минглаб соф виждонли кишиларни, партия аъзоларини резолюция иштирокчиларини турмаларга ташлади. Уларнинг кўпи ҳалок бўлди.

Революция ғалабалари жиддий таҳлика остида қолган ана шу вазиятда партия ва мамлакатда соғлом кучлар топилди. Улар Аминнинг ва унинг шерикларининг ўзбошимчалигига хотима бердилар. Афғонистон Халқ демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ва революцион кенгашнинг раиси қилиб сайланган Бабрак Кармал Апрель революцияси янги даврга кирди, деб айтди. У бутун афғон халқини ички реакциянинг ва ташқи империалистик кучларнинг суиқасдини даф этиш учун ягона миллий фронтга жипслашишга чақирди.

Халқаро империализм ва реакциянинг Афғонистон ички ишларига аралашуви хавфи АДР ҳукуматини дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисида 1978 йилда Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасида тузилган шартномага асосланиб, ташқаридан бўлаётган қуролли аралашувни даф этиш учун Афғонистонга ёрдам берилишини, шу жумладан ҳарбий ёрдам берилишини қаттиқ илтимос қилиб Совет Иттифоқига мурожаат қилди. Бизнинг мамлакатимиз бу илтимосни қондирди ва Афғонистонга чекланган миқдорда ҳарбий кучлар юборди. Бу кучлар шундай ҳаракатни зарур қилиб қўйган сабаблар йўқолганидан кейин у ердан олиб кетилади.

Дўстона Афғонистонга Совет Иттифоқининг ёрдами бу мамлакатни ўзларининг Совет Иттифоқига ва Эронга қарши ҳаракатлари учун майдонга айлантириш режаларини тузган океан орқасидаги доираларнинг қаҳр-ғазабига сабаб бўлди. Қўшма штатлар Эронда ўзининг ҳукмрон мавкедан маҳрум бўлганидан кейин Афғонистонни ўз таъсирига олиш, уни революцион йўлдан тойдиришга мажбур этишни истади. Шу режаларга кучли зарба берилгандан кейин эндиликда Вашингтон жон-жаҳди билан янги авантюраларни бошламоқда. Вашингтонда Покистонга дарҳол ҳарбий ёрдам беришга қарор қилинди ва бу ёрдамдан, ҳеч шубҳасиз, АДРга қарши ҳаракат қилаётган аксилинқилобий тўдаларни қуроллантириш учун фойдаланилади. Шу кунларда Хитойга бориб келган АҚШ мудофаа министри Браун эса Пекинни Покистонда жойлашиб олган афғон аксилинқилобчиларига ҳарбий мададни кучайтиришни сўради. Афғон аксилинқилобчилари ва Афғонистон Демократик республикасига қарши «тинкани қуритадиган уруш» олиб бориш ниятида эканликларини билдирмоқдалар.

Аммо афғон халқи дўст Совет Иттифоқининг мададига таяниб, реакция билан империализмнинг кирдикорларига зарба беришга ва апрель революцияси ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя этишга қатъий аҳд қилган.

В. СЕРОВ.

(ТАСС).

Қурувчилар меҳнат вахтаси

«Ўнинчи беш йиллик план — В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигигача». Шу кунларда шаҳардаги 110 бригада ва 3517 ишлаб чиқариш илғори ана шу шиор остида меҳнат қилаётир. В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига зарбдор вахтага турган қурилиш-монтаж ташкилотлари ва коллективлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан битказилмаган қурилишлар сонини 5 процент камайтиришга қарор қилишган. Барча иш ҳажмининг 50 проценти бригада пудрати методи бўйича бажарилади.

Тошкентнинг кўп минг кишилик бинокорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, В. И. Ленин туғилган кунгача бир қатор корхоналар учун янги ишлаб чиқариш бинолари, Тошкент автомобиль йўллари институтининг «В» блоки, педагогика билим юртининг спорт зали, ТошДУнинг янги бинолари, Пионерлар саройи, Давлат банки биноси, авиасозларнинг Маданият саройи, травматология институтининг поликлиникаси, Майков кўчасида 720 ўринли ҳунар-техника билим юрти, олтита болалар боғчалари, 132 минг квадрат метр фойдали саҳнга эга бўлган турар жойларни фойдаланишга топширадилар.

Метро қурувчилари эса беш йиллик планни В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги арафасида бажаришга, «Ҳамид Олимжон» ва «Пушкин» станцияларида қурилиш-монтаж ишларини тугаллашга сўз беришди.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»ГА ҚАРАШЛИ «ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНЛИ 1-УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 110 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА ОЛГАН

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

«Главташкентстрой»га қарашли 1-уйсозлик комбинатининг коллективи КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, 1979 йил плани ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари адо этди. 314 минг квадрат метр уй-жойлар қуриб, фойдаланишга топширилди. 19,2 миллион сўмлик товар маҳсулот реализация қилинди. Ишлаб чиқариш ҳажмини ва меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириқлари ҳам ошириб адо этилди.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорлари комбинат меҳнаткашларини янги меҳнат кўтаринкилигига чорламоқда. Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган нутқдан келиб чиқадиган йўл-йўриқ ва хулосаларга асосланиб, ўнинчи беш йиллик план-топшириқларини муддатидан илгари бажариш, В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб меҳнат туҳфалари билан нишонлаш учун комбинат коллективи ўз зиммасига қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилди.

Партия ва Совет давлатининг асосчиси юбилейигача планга қўшимча ўн минг квадрат метр турар жой қурилиб, фойдаланишга топширилади. Уйлар қурилиши муддати ўн кунга қисқартирилади.

Турар жойлар қурилиши сифати яхшиланади, ҳар икки уйнинг бири кафолатли паспорт билан фойдаланишга топширилади.

Комбинатнинг ўн та бригадаси В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги арафасида беш йиллик планни бажаради.

Меҳнатни ташкил этишни яхшилаш мақсадида бригада пудрати методини жорий этиш ва ишчилар коллективларини ишлаб чиқаришни бошқаришга кенг жалб этиш кўзда тутилади. Н. Злобин методи бўйича меҳнат қиладиган бригадалар кучи билан барча иш ҳажмининг 70 проценти амалга оширилади.

Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг 2 минг нафари партия, иқтисодий ва комсомол ўқувларига жалб этилади, бригадаларда ва якка тартибда ўқитиш орқали 400 ишчининг малакаси оширилади.

«Главташкентстрой»га қарашли «Ҳурмат белгиси» орденли 1-уйсозлик комбинати мазкур социалистик мажбуриятларни шараф билан адо этади ва Тошкент шаҳридаги қурилиш ташкилотлари ва корхоналарнинг барча коллективларини В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёйдиришга чақиради.

Социалистик мажбуриятлар комбинат ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

2-ТОШКЕНТ УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 110 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА ОЛГАН

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

2-уйсозлик комбинати коллективи КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили планини муваффақиятли адо этди. Бош пудрат ишлари топшириғи 102,5 процент, ўз кучлари билан иш бажариш вазифаси 101,8 процент, турар жойлар қуриб фойдаланишга топшириш плани 108 процент адо этилди. Шунингдек, бошқа техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича олинган топшириқлар ҳам муваффақиятли бажарилди.

КПСС Марказий Комитетининг Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги тўғрисидаги қарори комбинат коллективида юксак меҳнат кўтаринкилигини юзага келтирди.

2-уйсозлик комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб, зиммаларига қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилишди.

Биринчи квартал қурилиш-монтаж ишлари плани 27 мартда бажарилиб, планга қўшимча 160 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари адо этилади.

Биринчи квартал планига қўшимча 1600 квадрат метр турар жой қурилади.

1-Қорасув массивидаги 45-турар жой ва Большевик кўчасидаги 6-уйнинг «Б» блокини монтаж қилиш муддатидан илгари 22 апрелда тугалланади.

В. И. Ленин туғилган кунгача барча қурилиш-монтаж ишларининг 78 процентини Николай Злобин методи бўйича амалга оширишга эришилади.

Биринчи кварталда бир йилда 30 минг сўм иқтисодий фойда берадиган 15 та рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий этилади.

Асосий қурилиш материалларини тежашга эришилади ва коммунистик шанбалик куни иқтисод қилинган материаллар ҳисобига 12 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади.

10 та қурилиш бригадаси ўнинчи беш йиллик план-топшириқларини В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги кунигача бажаришга аҳд қилди.

Социалистик мажбуриятлар 2-Тошкент уйсозлик комбинати бригадалари, участкалари, цехлари ва бошқармаларининг мажлисларида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

АКТИВ ЙИҒИЛИШИ

Пойтахт Куйбишев районининг идеология активи йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига тайёргарлик билан боғлиқ бўлган оммавий-сиёсий ишларни янада такомиллаштириш юзасидан идеология активистларининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Куйбишев район партия комитетининг секретари Н. И. Ткаченко доклад қилди.

«Узбекхлопкомаш» бирлашмаси партия ташкилотининг секретари Н. Н. Кашубин, «Билим» жамияти район ташкилотининг масъул секретари Г. В. Воробьёва, район халқ маорифи бўлими методик кабинетининг мудири Н. И. Мулюн, район комсомол комитетининг иккинчи секретари Ш. Машарипов ва бошқалар масалани муҳокама қилишда қатнашиб, юбилей санасига тайёргарлик юзасидан бошланғич партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари, депутатлар ва комсомолларнинг ишлари тўғрисида гапириб беришди, идеология ишларининг янада самаралироқ форма ва методларидан фойдаланиш зарурлигига эътиборни қаратишди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

24 февраль — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ПУХТА ҲОЗИРЛИК

Шу кунларда шаҳримизнинг ҳамма районларидаги каби Чилонзорда ҳам 24 февралда бўладиган Советларга сайловлар кунига пухта ҳозирлик кўришмоқда. Райондаги ҳамма сайлов участкасида иш қизғин.

Дўмбиробод маҳалласидаги Улуғбек номли 131-ўрта мактаб биносида 40-сайлов участкасида Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловларда халқимизнинг содиқ фарзандлари учун 2900 киши овоз беради.

Агитпунктга шу мактаб директори, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси Қ. Турсунов мудирлик қиляпти. У бизни агитпункт иш плани, навбатчилар графиги билан таништирди. Агитпункт телефонлаштирилган, радио, телевизор, газета ва журналлар, сайловчилар учун китоблар бор. Айниқса, агитаторларнинг шахсий иш планлари ҳамда ўтказилаётган ишларни ҳисобга олувчи дафтарлари яхши юргизилмоқда. Биз агитаторлардан Ф. Саломова, М. Исроилова, М. Тўхтаев, Р. А. Попова, З. Абдураҳмонова, З. Комилов ва А. Ҳикматовларнинг олиб бораётган сайловолди ишлари билан яқиндан танишдик. Улар биринчи бўлиб, ўзларига белгиланган сайловчиларнинг рўйхатини олиб бўлишди.

— Агитаторларимиз учун консультациялар ўтказиб турибмиз, — дейди мактаб бошланғич партия ташкилоти секретари Вали Тошмуҳамедов. — Агитаторлар «КПСС XXV съезди материалларини ўрганамиз», «СССР Конституцияси — буюк бахтномамиз», «Бахтсаодатимиз тинчлик учун овоз берамиз», «КПСС Марказий Комитетининг В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги тўғрисида»ги қарори мавзуларида тематик стендлар тайёрлашди.

Агитаторлар сайловчилар ўртасида «ЎзССР Олий Советига ва Советларга сайловлар тўғрисида», «Сайловчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари», «Совет сайлов системаси тўғрисида» мавзуларида суҳбатлар ўтказдилар.

Агитпункт иш плани бўйича сайловчилар учун қатор лекциялар ўтказиш планлаштирилган. Масалан, январь ойининг охиригача «Халқаро аҳвол», КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленумида сўзлаган нутқи тўғрисида лекцияси, райондаги 4-Маданият уйи бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзоларининг концерти ва шу кабилар белгиланган.

К. ЖУМАНИЕЗОВ.

Партия турмуши

ИШГА ИЖОДИЙ МУНОСАБАТ РУҲИДА

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленумида сўзлаган нутқида ўртоқ Л. И. Брежнев шундай деган эди: «1980 йилги план топшириқлари мураккаб, аммо улар бажарилиши ва ошириб бажарилиши лозим. Хўш, бунинг учун нима керак? Халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида, ҳар бир ишлаб чиқариш ячейкасида юксак талабчанлик, уюшқоқлик, ишга ижодий муносабат вазиятини вужудга келтириш керак».

Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари Шукрулло Асадович АКБАРОВ махсус мухбиримизга ноябрь Пленумининг йўл-йўриқлари асосида қандай ишлар амалга оширилаётгани ҳақида гапириб берди.

— Бирлашмамиз партия комитети меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам берувчи илғор тажрибани, илғор иш форма ва усулларини оммалаштиришга муҳим эътибор беряпти. Ҳар бир меҳнат коллективида ўзаро юксак талабчанлик, ишга ижодий ёндошиш вазияти яратиляпти. Ростовликларнинг «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» ватанпарварлик ташаббуси ишга ижодий ёндошишда катта роль ўйнади. Бу ҳаракатнинг таъсирчанлигини ошириш учун биринчи навбатда партия комитети социалистик мусобақага раҳбарликни такомиллаштириш йўлини тутди. Нормани бажармаётган ишчилар сонини камайтириш учун пухта тадбирлар плани ишлаб чиқилди ва амалга оширилди.

— Ана шу тадбирлардан энг муҳимларини айтиб беролмайсизми? Бу бошқа корхоналар учун ҳам намуна бўлиши мумкин-у.

— Марҳамат, энг асосий тадбирлар ҳақида айтиб ўтишим мумкин. Биз узоқ вақтлардан буён ҳукм суриб келган мусобақа шартларига қуйидагича ўзгартишлар киритдик. Биринчидан, ўз нормасини бажармаётган ишчилар сони олти процентдан ошиб кетган цех коллективи совринли ўринга даъвогар бўла олмайди. Иккинчидан, ҳатто бир ишчиси нормасини бажармаган бригада ҳам совринли ўринга даъвогарлик қилолмайди. Цех коллективи совринли ўринларни олиши учун уларда бирорта ҳам қолоқ бригада бўлмаслиги, ҳамма бригадалар план-топшириқларини ошириб бажаришлари шарт. Бу ўзгартишлар ишда силжиш ясади. Ҳар бир цех ва бригада коллективи қолоқларни илғорлар сафига етказиб олишга интиладиган бўлди.

Бирлашмамизда «Ҳар бир ёш ишчи — илғорга тенглашсин» шиори остида мураббийчилик ҳаракати кенг тус олди. Маълумки, бригадада ҳар хил малакали, турли қобилият ва майлга эга кишилар ишлашади. Агар смена нормасини бажариш бир ишчига қийин кўчса, иккинчи бир ишчига осон кўчади. Ана шу — нормани бажаришга бироз қийналаётган ёш ишчига тажрибали мураббийларни бириктириб қўйганмиз. Илғор ишчилар ўртасида бир неча касбларни эгаллаш ҳаракати ҳам кенг авж олган.

Бизда 360 мураббий бор. Ҳар бир тажрибали ишчига бир ёки икки ёш бириктилган. Партия комитети ҳар кварталда мураббийларга мунтазам инструкция беради, слётлар ўтказилади. Шунингдек, «Бирлашманинг энг яхши мураббийси» фахрли номини олиш учун ўтказилаётган конкурслар самараси ҳам яхши бўляпти. Ўтган йили 3-цехдан Ҳ. Тожибоева, 6-цехдан З. Зиганшина, 2-цехдан Р. Ицкаева ва Р. Луговая, 5-цехдан Р. Сидоренколар ғолиб чиқишди.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, агар бирон ишчи нормани қисман бажаролмай қолса ҳам ўн учинчи маошдан маҳрум этилади. Ҳозирда 2-цехимизда нормасини бажармаётган ишчилар бор. Биз ҳар бир ишчи билан шахсий суҳбатлар уюштириб, бунинг сабабларини ўрганиб, уларни илғорлар сафига етказиб олишга интиляпмиз. Бунда асосан мураббийларнинг ролини оширяпмиз.

— Ишга ижодий муносабатларни яратишда интизомнинг роли қандай бўляпти?

— Дарвоқе, бу икки нарса бир-бирига боғлиқдир. Меҳнат интизоми бўлмаган жойда ишга ижодий муносабат ҳам бўлиши қийин, албатта. Энг аввало, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилиш — ишга ижодий муносабатда бўлиш учун жуда яхши шарт-шароит яратади. Ўртоқ Л. И. Брежнев ноябрь Пленумида сўзлаган нутқида: **«Умуман интизом ва тартиб доимо керак... Бу ўринда интизом тўғрисидаги сўзларгина, тартибга чақирувчи даъватларгина камлик қилади»** деб жуда ҳаққоний кўрсатиб ўтдилар. Бирлашмамиз партия комитети интизом тўғрисидаги қуруқ сўзлардан аллақачон воз кечган. Бунинг ўрнига ҳар куни ташкилотчилик ишини такомиллаштириб боришга, интизомни бузувчиларга оператив равишда кескин чоралар кўришга, ижрони аниқ текширишга интиляпмиз. Натижа чакки бўлаётгани йўқ. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомининг кўнгилдагидек йўлга қўйилиши ишнинг бир маромда боришига, 80-йилни зарбдор, ленинча ишлаш йилига айлантиришнинг биринчи муҳим шарти бўлиб қолди. Партия ташкилотининг барча ташкилотчилик, оммавий-сиёсий ишлари ана шунга қаратилмоқда.. Ҳар бир коммунист ва ишчининг ғайрат-шижоати ва имкониятлари ана шунга йўналтирилмоқда.

Бирлашмамиз эркаклар костюми тикишга ихтисослаштирилган. Партия XXV съезди қарорларида қўйилган асосий вазифалар — ишлаб чиқариш самарадорлигини, маҳсулот сифатини ошириш ва унинг турларини кўпайтириш тадбирлари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Айни пайтда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини муттасил камайтириб боришга ҳам аҳамият бериляпти. Бунда Г. Протасова, Н. Гусева сингари ўнлаб ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг ҳиссалари каттадир. Илғорлар тажрибасини кенг ёйиш билан бирга янги техника ва прогрессив технологияни жорий этиш, янги материаллардан фойдаланиш, бошқаришни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва бошқа тадбирлар комплекс суратда амалга ошириляпти. «Майер» фирмаси дастгоҳларининг ўрнини босувчи кўпгина янги дастгоҳлар ўрнатилгани натижасида кийимларнинг ташқи кўриниши янада чирой касб этадиган бўлди, меҳнат унумдорлигини анча ошириш имконини берди.

— Доҳиймиз В. И. Ленин юбилейига коллектив қандай тайёргарлик кўряпти?

— Янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ меҳнат мароми жўш уриб кетди. 80 дан зиёд ишчи шахсий беш йиллик планларини муддатидан аввал бажаришди. Улар сафида Алла Ким, Валентина Ким, Зинаида Ефремова, Роза Сидоренко ва бошқалар бор. Моҳир тикувчи Алла Ким доҳиймиз туғилган куннинг 110 йиллиги кунигача икки беш йиллик планни бажариш мажбуриятини олди. Бутун коллективимиз эса доҳий юбилейигача барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича 4.5 йиллик планни адо этиш учун курашяпти. Партия комитети эса ўзининг иш услуби ва методларини, бутун ташкилотчилик фаолиятини 80-йилни ленинча, зарбдор ишлаш йилига айлантиришга йўналтирмоқда.

Суҳбатни Ҳ. ИКРОМОВ олиб борди.

«Ўнлар ташаббуси»—амалда

Икки ишчи ўрнида—бир ишчи

Уларнинг номини тўқимачиларнинг бутун коллективи билади. Улар кўп станокка хизмат қилиш ҳаракатининг ташаббускорлари, қарамоқларида 48 та ва ундан ортиқ агрегат бор.

Демак уларнинг ҳар бири икки киши учун ишлайди. Ўнинчи беш йиллик бошида кўп станокчилар ўртасида социалистик мусобақа кенг қулоч ёйди. Рақиблар бир-бирларининг меҳнат муваффақиятини ҳавас билан кузатиб боришади.

Ҳамон олдинда Нина Васильевна Ершова боряпти. Фақат уч йил-у ўн ой мобайнида бу тўқимачининг станогидан 2.741 минг метр миткал, «ягодка» ва дока тушди. Бу план-топшириғидан 1,5 миллион метр кўпдир. Ҳозир Н. В. Ершова 1984 йил ҳисобига ишлаяпти. В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига қадар у ўн ярим йиллик топшириғини бажариш ниятида.

Мусобақанинг олдинги сафида Вера Ивановна Солдатова боряпти. Унинг ҳисобида 2,647 минг метр юқори сифатли сурп бор. Ленин, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери В. И. Солдатова маҳсулот сифатини яхшилашга алоҳида эътибор беряпти. Ўтган йили Октябрь ойидаги социалистик мусобақа якуни бўйича айнан мана шу тўқувчи 100 процент маҳсулотнинг 1 сортда топширилишига эришди. Н. В. Ершовада бу кўрсаткич 99,3 процентни, М. Асеевада 99,9, Д. Қулматовада 99,7, В. Кузнецовада эса 98,5 процентни ташкил этди.

Шуни айтиш керакки, ўтган йили октябрь ойида план-топшириғини биронта ҳам тўқувчи бажаролмади. М. Асеева топшириқни 98,4 процент бажарди. Ортда қолдимми? Йўқ. Тўқувчида айб йўқ. Ҳамма айб тўқувчилик цехларини ўз вақтида танда билан таъминлай олмаган шерикларда.

Ускуналарнинг мажбуран тўхтаб туриши бошқа тўқувчиларнинг меҳнат кўрсаткичига ҳам таъсир қилди. Агар ўтган йил сентябрь ойида Н. В. Ершова топшириқни 114 процент бажарган бўлса, октябрь ойида 108 процент бажарди. Шунга қарамасдан бу кўрсаткич мусобақадошлар ўртасида энг юқори.

Таърифнинг ҳожати йўқ. Нина Васильевна зўр ишлай олади. У ҳар бир станокни тўла қувватда ишлашга мажбур қилади. Бунга эришиш учун катта маҳорат кўрсатиш лозим. Бу тажриба йиллар мобайнида тўпланган. Ахир, Ершова 30 йилдан бери тўқувчилик қилади-да. Бу вақт мобайнида у бошқалардан кўп нарса ўрганди, энди эса у ёшларга ўргатяпти.

— Шуни билгинки, — дейди у шогирди Тожихон Турғуновага, —станокларни айланганингда вақтни бекорга кетказма. Агар орқангда станок тўхтаб қолганини билсанг ҳам унга қайтиб борма, маршрут бўйича олға кетавер. Яна бир муҳим қоидани унутма: аввал узилган ипни улаш кўп вақт талаб этмайдиган автоматларни ишга туширишга шошилгин. Мураккаб узилиш билан кейинроқ шуғулланасан. Битта станок кўпроқ бекор турса ҳечқиси йўқ, бошқалари ишлаб турса бўлгани. Тожихон бош силкиди. Унинг ўзи ҳам устози, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Лидия Павловна Казанцева шундай ишлашини кузатганди. Л. Казанцева яқинда цехга қайтганлиги, пенсияда юришни истамаганлиги биринчи тўқув фабрикаси коллективини жуда қувонтирди. Эндиликда Лидия Павловна яна кўп станокчилар мусобақасига қўшилиб, янги муваффақиятларни қўлга киритиш ҳақида ўйлаяпти. Л. Казанцева тўқувчилик ишини пухта билиши бунинг ажойиб гаровидир. У вақтни тежай олади, меҳнатнинг тезкор усулларини эгаллаган. Бунда у ип узилишини бартараф этиш учун 27 секунд ўрнига 17—18 секунд сарфлайди.

Л. Казанцевадан ибрат олиб, кўпстаночилар тандаларга алоҳида эътибор беришади. Агар ундаги чигалликлар ўз вақтида бартараф этилса, станок ортиқча тўхтамайди, газлама брак бўлмайди.

Мусобақада бундан ташқари ёш тўқувчи, СССР Олий Советининг депутати, Виноградовалар мукофоти лауреати Дилбар Қулматова ҳам намуна бўляпти. У юксак социалистик мажбуриятни бажарганлиги ва олти йиллик топшириқни адо этганлиги ҳақида рапорт бериш учун бутун куч-қувватини аямади. Ҳозир Д. Қулматованинг ҳисобида 2.131 минг метр суруп бор. Шу жумладан, беш йиллик бошидан бери у планга қўшимча 698,5 минг метр турли хил газлама ишлаб чиқарди.

А. С. Верзилина ташаббуси билан комбинатда бошланган мураббийлик ҳаракати тобора кенгаймоқда. Ҳозирги кунда мингдан ортиқ ёш ишчи ўз мураббийсига эга.

Эндиликда ёш тўқувчилар коллективга илгаригидан тезроқ сингиб, касбни пухта эгаллашяпти,

Мураббийларнинг сафи ўсганлиги ва улар шогирдларга эътиборни кучайтирганлиги туфайли йигирув цехларида қўшимча 34 та машина-сменани, тўқув цехларида 270 станок-сменани ишга тушириш имкони туғилди. Бу қўшимча 800 тонна калава, 6,5 миллион метр газлама ишлаб чиқариш имконини берди.

Тўқимачилар мусобақаси кенгаймоқда. Комбинат коллективи беш йилликнинг тўртинчи йили топшириғини муддатидан илгари бажарди, В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олишга ҳаракат қиляпти.

А. ГЕХТЛЯР,
«Тўқимачилар овози» кўптиражли газетанинг ходими.



ИЛҒОРЛАР САФИДА

СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи коллективи шаҳримиздаги илғор корхоналар қатори ўтган йилни муваффақиятли якунлади. Янги йилда ҳам янги зафарларни қўлга киритишга бел боғлаган завод ишчилари шу кунларда астойдил меҳнат қилмоқдалар. Коллектив ўртасида беш йиллик планни муддатидан илгари бажарганлар ва келгуси йил ҳисобига маҳсулот топшираётган илғорлар сафи кун сайин ошиб бормоқда.

Шу кунларда корхонанинг ҳар бир аъзоси ўз зиммасига аниқ мажбуриятлар олиб ишлаяпти. Коллективнинг фикри-зикри ана шу мажбуриятларни белгиланган вақтда бажаришдан иборатдир. Тракторсозлар 1980 йилда мамлакатимиз қишлоқ механизаторлари учун ўтган йилдагига нисбатан анча кўп трактор ва прицеп етказиб беришга аҳд қилишган.

Сиз суратда завод тайёр маҳсулот топшириш участкасининг бир группа илғор йиғувчи-слесарларини тракторларни жўнатишга ҳозирлик кўраётган пайтда кўриб турибсиз.

* * *

Пастдаги суратда «Чевар» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-цехи ишчиси комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи Муқаддам Қодирова тасвирланган. У бош бўлган бригада аъзолари доҳий В. И. Лениннинг 110 йиллиги кунигача беш йиллик топшириқларини бажаришга сўз беришган. Бригадирнинг ўзи ойлик нормаларини мунтазам равишда ортиғи билан адо этиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

М. Нуритдинов ва Ҳ. Суннатуллаев фотолари.

САЙЛОВ ОЛДИДАН

АГИТПУНКТ ЧОРЛАЙДИ

Шу кунларда Тошкентдаги сайлов участкаларида 33 мингдан кўпроқ агитатор ишлаб турибди. Улар агитпунктларда ва турар жой биноларида Совет Демократияси тўғрисида, Ленин партиясининг ички ва ташқи сиёсати ҳақида суҳбатлар ўтказмоқдалар, Ўзбекистон ССР Олий Советига ва Халқ Депутатлари Маҳаллий Советларига ўтказиладиган сайловнинг аҳамиятини ва унинг тартибини тушунтириб бермоқдалар.

* * *

Тошкент алоқа электротехника институти биносида жойлашган агитпунктда В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишлаб сайловчилар кечаси ўтказилди. Институт ўқитувчилари Ильичнинг улуғ васиятлари қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисида гапириб бердилар, ленинча миллий сиёсатнинг ҳаётбахш кучини Ўзбекистон ҳаётидан олинган мисоллар асосида кўрсатдилар. Агитпунктда коммунистик партиянинг асосчиси ва жаҳонда биринчи социалистик давлат бунёдкорининг ҳаёти ва революцион фаолиятини акс эттирувчи кўргазма ташкил қилинган.

* * *

Собир Раҳимов районидаги 185-мактабда жойлашган агитпункт 24 февраль куни биринчи марта овоз берадиган ёш сайловчиларни партия ва комсомол ветеранлари билан ўтказиладиган учрашувга таклиф қилди. Абдулла Набиев номли маҳалланинг Ўрта Осиёда советлар ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун курашда актив қатнашган, Улуғ Ватан уруши фронтларида Ватан озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилган кекса кишилари тўпланганлар ҳузурида суҳбат ўтказдилар.

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг студенти Сурайё Иноятова ўз тенгқурлари номидан сўзга чиқиб, ёш сайловчилар авлодлар эстафетасини шараф билан олиб борадилар, коммунистлар билан партиясизлар мустаҳкам блокининг муносиб номзодлари учун аҳиллик билан овоз берадилар, деб ветеранларни ишонтирди.

* * *

Тошкент трактор заводи микрорайони марказида жойлашган 48-агитпункт активлари кўпгина хайрли ишлар қилдилар. Бу ерда ўтказилган савол-жавоб кечаси шундай яхши ишлардан биридир.

Суҳбат чоғида сайловчилар савдо, маиший хизмат, коммунал хўжалиги ходимлари шаънига бир қанча арзномалар айтдилар, шу ташкилотларнинг ишини яхшилашга қаратилган таклифлар киритдилар.

(ЎзТАГ).

• *Хизмат маданиятини ошириш йўлида*

Иш усулларини такомиллаштира бориб

Кейинги даврда шаҳар ресторанлар трести корхоналарида хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Хизмат кўрсатиш формаларини такомиллаштириш, талабчанликни ошириш, нуқсонларга қарши қатъий кураш олиб бориш натижасида бу соҳадаги ишлар анча яхшиланди. Барча коллективларда план-топшириқларини муддатидан илгари бажариш бўйича социалистик мусобақалар кенг қулоч ёйдирилди. «Сафимизда бирорта ҳам қолоқ бўлмасин» шиори остида янгийўлликлар ташаббуси кенг қувватланиб оммалаштирилди.

Яқинда бўлиб ўтган трест меҳнатчилари активининг йиғилишида ўтган йилги ишларга якун ясалиб бу йил учун янги режалар белгиланди. Ўнинчи беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида товар-оборот плани 102 процент қилиб бажарилди. Ўз маҳсулотларини реализация қилиш ҳам ошириб бажарилди. Хўжалик фаолиятининг молия кўрсаткичлари ҳам анча яхшиланди. 1975 йилдагига қараганда ўтган йили даромаднинг умумий суммаси 5 баробардан ҳам зиёдга ошди. Меҳнат унумдорлиги эса 9,2 процент ўсди.

Беш йилликнинг бошиданоқ трест корхоналари тармоғи анча кенгайди. Янги технологик жиҳозлар, инвентарлар ва қулай мебеллар билан жиҳозланган янги «Ленинград» ресторани очилди. Қисқа вақт мобайнида бу корхона коллективи тошкентликларга юксак маданий хизмат кўрсата бошлади. Бу ерда план топшириқлар ҳам муваффақиятли бажариляпти.

Бугунги кунда трестга қарашли корхоналарда интерьерлар чиройли безатилган, заллар доимо шинам бўлиб улар аҳолига манзур бўлмоқда. Кафелар ва ресторанлар хизмат кўрсатувчи ходимларнинг иш унумдорлигини оширадиган зарур техника ва жиҳозлар билан таъминланган. Ана шу мақсадда «Гулистон», «Чилонзор» ва «Октябрь» ресторанлари капитал ремонтдан чиқарилди. «Зарафшон» ресторанининг гўшт цехида поток линия ва картошкани қайта ишлаш цехи реконструкция қилинди. Гўшт, балиқ, сабзавотларни қайта ишлаш жараёнини механизациялаштириш имконини берадиган замонавий агрегатлар мавжуд бўлган тайёрлов фабрикаси трестга қарашли муассасалар коллективлари ишини анча енгиллаштирмоқда.

Трестда иш сифати ва самарадорлигини оширишга мунтазам катта аҳамият бериляпти. 14 та комиссия тайёрланаётган таомлар ва кондитерлик маҳсулотлари сифатига, маҳсулотларнинг ассортиментини кенгайтиришга доимо эътибор бериб келади.

Трест директори А. Усмонов докладида ва сўзга чиққан бошқа нотиқларнинг сўзларида эришилган ютуқлар билан бирга коллектив олдида турган вазифалар, ҳал этилмаган муаммолар ва мавжуд нуқсонларга ҳам тўхталиб ўтилди. Ҳар бир коллективда, ҳар бир бригадада савдо қоидаларини бузаётганларга нисбатан муросасиз бўлиш таъкидланди. Бунинг учун сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш, халқ контроли, ўртоқлик судлари, кўнгилли халқ дружиначилари группалари ва почталари ишини активлаштириш лозим.

Шаҳар ресторанлар трести активи йиғилиши қатнашчилари 1980 йил учун юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилишди. Унда жумладан, беш йилликнинг якунловчи сўнгги йилини юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан нишонлаш таъкидланди. Товар-оборот планини 29 декабрда муддатидан илгари бажариш, пландан ташқари 200 минг сўмлик маҳсулот сотиш, ўз маҳсулотлари нисбатини 61 процентга етказишга аҳд қилинди. Актив йиғилишида Тошкентдаги барча умумий овқатланиш тармоқларининг ходимларига мурожаат қабул қилинди. Унда ресторанлар трести ходимлари В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш, коллективнинг ҳар бир аъзосида хизмат вазифаларини бажариш учун масъулиятни ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва хизмат маданиятини оширишга эришишга чақирдилар.

А. ҲАТАМОВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

КОММУНИСТЛАР ВАЗИФАСИ

СОФИЯ. Шу кунларда Болгария Компартиясининг мамлакат корхоналари ва қурилишларидаги бошланғич партия ташкилотларида ўтган йилги ишларнинг якунлари ва беш йиллик якунловчи йилининг вазифалари муҳокама қилинмоқда.

Перникдаги В. И. Ленин номли металлургия комбинатининг коммунистлари меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасида партия ташкилоти олдида турган вазифаларни конкрет равишда ишчанлик билан муҳокама қилдилар. Коммунистлар қабул қилган қарорда маҳсулот сифатини яхшилаш, материалларни ва электр энергияни тежаш учун курашда партия ташкилотининг ролига катта эътибор берилган.

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

ДАМАШҚ. Сурия Араб Социалистик Уйғониш партиясининг 7-регионал конференцияси кун тартибига қўйилган масалаларни муҳокама қилгандан кейин ўз ишини тамомлади.

Икки ҳафта давомида делегатлар Сурия Араб Социалистик Уйғониш партияси регионал раҳбарлигининг ташқи ва ички сиёсий, иқтисодий ва ташкилий масалалар юзасидан докладларини муҳокама қилдилар. Партиянинг бундан олдинги конференциядан бери ўтган давр ичида қилган ишлари якунланди. Йиғилиш иштирокчилари Яқин Шарқ проблемасини ҳал этишнинг таслимчиликдан иборат йўлини рад этган ва низони кенг кўламда ҳамда адолатли тарзда бартараф қилиш учун курашаётган мамлакат раҳбарларининг принципиал йўлини якдиллик билан маъқулладилар.

Конференция делегатлари мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий аҳволига катта эътибор бердилар. Улар экономиканинг давлат секторини янада барқарор қилиш, партиянинг омма билан алоқасини мустаҳкамлаш, давлат ҳаётида жамоат ташкилотларининг ролини кенгайтириш кераклигини айтдилар. Партия анжуманининг иштирокчилари мамлакатдаги прогрессив ҳукуматни заифлаштиришга ва Сурия миллий бирлигига путур етказишга уринаётган ички реакциянинг кирдикорларини кескин қораладилар.

Делегатлар 75 кишидан иборат партия Марказий Комитетини сайладилар. Марказий Комитетнинг шундан кейин бўлиб ўтган пленумида президент Х. Асад якдиллик билан Марказий Комитетнинг бош секретарлигига сайланди.

* * *

БАҒДОД. 1976 — 1980 йилларда Ироқни социал-иқтисодий ривожлантириш иккинчи беш йиллик планининг энг муҳим вазифаларидан бири дашт ва қурғоқчил ерларни ўзлаштириш, уларни деҳқончилик учун яроқли майдонларга айлантиришдан иборат.

Ўтган йил ичида мамлакатда 410 минг донум (1 донум—0,25 гектарга тенг) майдонда ирригация каналларини барпо этиш ва дренаж системаларини қуриш ишлари бажарилди. Суғорилган ерларда 127 мингта ҳар хил дарахт кўчати ўтқазилди.

* * *

КОБУЛ. Афғонистон пойтахтида оналар ва болалар учун ихтисослаштирилган клиника очилди. Янги медицина муассасасида болаларга хилма-хил ёрдам кўрсатиш учун зарур ҳамма нарсалар кўзда тутилган. Тугаган халқаро болалар йилида АДРда мамлакатнинг ёш авлоди тўғрисида ғамхўрликни кўрсатувчи жуда кенг кўламдаги ижтимоий-иқтисодий тадбирлар амалга оширилди.

МУАММО БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

РЕЙКЬЯВИК. Ҳозирги вақтда Исландияга мамлакатни иқтисодий боши берк кўчадан олиб чиқишга ва хатарли тус олган пул қадрсизланишини жиловлашга қодир бўлган ҳукумат керак. Мустақиллик партиясининг раҳбари Г. Хатлгримссон сиёсий партиялар раҳбарлари билан учрашгандан кейин шундай деб айтди: Исландия президенти К. Эльдъяурн янги ҳукумат тузишни унга топширди.

Исландияда ҳукумат танглиги бир ойдан кўпроқ вақтдан бери давом этмоқда. Бу тангликка Исландия социал демократлар партиясининг раиси Б. Грендаль бошчилик қилган ҳукуматнинг истеъфога чиққанлиги сабаб бўлди. Мазкур ҳукумат мамлакат бошига тушган жиддий молиявий ва иқтисодий қийинчиликларини ҳал эта олмади.

Исландияда бир неча йилдан бери ишлаб чиқариш ғоят пасайиб, ишсизлик кўпаймоқда. Пулнинг қадрсизланиши тез суръатлар билан ўсмоқда.

ТЕЗ СУРЪАТДА

ВЬЕНТЬЯН. Лаосда энергетика тез суръатлар билан ривожланмоқда. КПЛ агентлигининг хабар беришича, электростанциялар мамлакат халқ хўжалигига ўтган йили 840 миллион киловатт-соат электр энергия берди. Бу эса 1978 йилдагига нисбатан 2,6 баравар кўп. Бундай катта ўсишга, жумладан, Вьентьяндан 80 километр шимолда жойлашган Намгум шаҳрида мамлакатда энг катта ГЭСнинг иккинчи навбати ишга туширилганлиги туфайли эришилди.



Лондоннинг диққатга сазовор жойлари бўйлаб. Лондон — Буюк Британиянинг пойтахти, мамлакатнинг саноат ва маданий маркази ҳисобланади.

СУРАТДА: Лондондаги соатли Биг-Бен минораси тасвирланган.

А. Шальнев фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

Агрегат заводи маданият саройида бир қатор тўгараклар муваффақиятли иш олиб боряпти. Шулардан бири тасвирий санъат тўгарагидир. Унда болалар расм чизиш санъати сирларини ўрганяптилар. Якинда саройда тўгарак қатнашчиларининг ишлари кўргазмаси ташкил этилди. «Суратларда қуёш акси бор» деб номланган бу кўргазмада юздан ортиқ расм намойиш этилмоқда.

СУРАТДА: кўргазма залида.

М. Нуриддинов фотоси.

Адабиёт ва санъат

• *Оҳанглар олами*

ИЛК ИЖРО

ТОШКЕНТ Давлат консерваториясининг катта концерт зали халқ чолғу музикаси ихлосмандлари билан гавжум бўлди. Ассистент-стажёр талабаларнинг навбатдаги концертида профессор Аҳмад Одилов раҳбарлигида таҳсил кўраётган Иброҳим Холбеков чолғучилик маҳорати бобида қўлга киритган ютуқларини тингловчилар олдида илк бор намойиш этди. Концерт Иброҳим бошқараётган чангчилар ансамблининг француз классик композитори Ж. Бизе қаламига мансуб машҳур «Кармен» операсига муқаддимани ижро этишдан бошланди. Сўнгра СССР халқ артисти Саодат Қобулова С. Юдаковнинг «Дугоналар» қўшиғини чангчилар ансамбли жўрлигида юксак маҳорат билан ижро этиб, йиғилганлар олқишига сазовор бўлди.

Мана саҳнада Иброҳим ўз чолғуси билан... Композитор А. Отажонов қаламига мансуб, чанг ва оркестр ижроси учун яратилган уч қисмдан иборат йирик ва мураккаб концерт (бир ёки бир неча қисмдан иборат бўлган йирик асар) ижро этилиши эълон қилинди. Фортепиано жўрлигида чанг сози Иброҳим қўлида шўх ва равон куйлаяпти, сеҳрли симлар орқали киши қалбини ром этувчи оҳанг таратяпти. Халқимизнинг бугунги эркин ҳаёти ва бахтиёр замонамизни тараннум этувчи асарнинг биринчи қисми тантанавор кайфият ва серзавқ оҳанглар билан тугади. Энди оҳиста ва ғамгин куй таралаяпти... Иккинчи қисм музикасининг асосий негизини ташкил этган бу оҳанг орқали автор оталаримизнинг ғамгин ўтмиш ҳаётидан бир намуна келтиради.

Мазкур куй чанг сози ижроси учун ниҳоятда қулай яратилган бўлиб, ҳар хил музикавий қочиримлар (форшлаг) ҳамда садо таратишнинг турли хил имкониятларидан фойдаланиш имконини беради. Фортепиано чолғуси ҳам минор оҳанглар ва юмшоқ, майин аккордлар билан чанг сози ижросига якдиллик билан ҳамнафас бўляпти.

Асарнинг учинчи қисми шиддат билан мағрур чалинаётган оҳангдан сезилди. Бу ерда ёш созанда И. Холбеков ўзининг севимли чолғусида эришган ижрочилик маҳоратини тўла намойиш этди. Куй таъсирчан, аниқ ва равон янгради.

Умуман олганда, Иброҳим бу асарни ўз ижрочилик арсеналидаги имкониятларни ишга солиб тараннум этган бўлса-да, чолғучилик санъатида баъзи нуқсонларга йўл берганини пайқаймиз. Жумладан, асардаги мелодик йўналиш ва фикрни ниҳоясига етказмаслик, асар мазмуни ва характерига зид, кескин қўл ва бош ҳаракатлари, ҳар бир музикавий жумлани бошлашда ва якунлашда шу эпизодга хос нафас (ауфтакт) топа билмаслик ва шунга ўхшаш бир қатор камчиликлар бор. Уларни бартараф этиш ёш созанданинг келгусидаги муваффақиятли омилларидан бири бўлади. Шундан кейин ижро этилган Ф. Мендельсоннинг скрипка ва симфоник оркестр учун ёзган концертининг чанг созига мосланган варианти, ўзбек халқ куйларидан «Гулузорим» ва бошқа асарлар ижроси жозибали янгради.

Кичик танаффусдан сўнг навбат оркестр дирижёрлиги бўйича тажрибали устоз, доцент Анвар Левиев раҳбарлигида таҳсил кўраётган Нигора Иброҳимовага берилди. У ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрига дирижёрлик қилиб, олган билим ва малакасини маълум даражада ишонарли намойиш этди. Н. Будашкин қаламига мансуб, доира ва оркестр учун ёзилган концерт, истеъдодли композитор Т. Қурбоновнинг «Севинч» сингари асарлари ижросида бу нарса яққол кўзга ташланди. Юқори савияда, маҳорат билан ижро этилган ранг-баранг характердаги ушбу асарларни тингловчилар қизиқиш билан тингладилар. Албатта Н. Иброҳимова оркестрга дирижёрлик қилиш санъатида маълум ютуқларни қўлга киритган. Лекин оркестрни, солист (якка соз) билан коллективни ягона ансамблга бўйсундириб дирижёрлик қилиш ва бошқариш каби бир қатор масалалар устида тинмай изланиш ва меҳнат қилиши керак.

Келажакда бу икки ассистент-стажёр ўз маҳоратини янада ошириб, янги-янги концерт программалари билан жиддий музика ихлосмандларини хушнуд этадилар, деган умиддамиз.

Рустам НЕЪМАТОВ,
Тошкент Давлат маданият институти оркестр дирижёрлиги кафедраси доценти.

УЧҚУР ПОЕЗДЛАР

Шу йил кўкламида республикамиз адабий жамоатчилиги таниқли ўзбек шоири, қаҳрамон жангчи Султон Жўра туғилган куннинг 70 йиллигини нишонлашади. Ёзувчи Омон Мухторов Буюк Ғалабанинг 35 йиллиги олдидан, мана шу ажойиб инсон ҳаётига бағишлаб «УЧҚУР ПОЕЗДЛАР» деган янги қисса ёзди. Сизни шу асардан парча билан таништирамиз.

(ҚИССАДАН ПАРЧА)

АЛЛАҚАЧОН баҳор келганига қарамай, бу ерда ҳаво яқин ўртада очиладиганга ўхшамас, ёмғирсиз-қорсиз кун йўқ эди...

Кўп ўтмай мактабда ўқишлар бошланиб кетди. Мактабдаги шароит уруш бораётган даврга мос, оғир эди. Аскар йигитлар жойлашган хоналар баъзан кун оралаб, баъзан икки-уч кунда бир ёқиларди. Ҳаво эса ҳамон худди қишдагидек совуқ...

Кунлар бир-бирига ўхшар, тонг қоронғисидан алламаҳал тунгача машғулотлар, машқлар олиб бориларди. Мактаб ўн-ўн беш километрлар чамасидаги катта майдонни эгаллаганди. Казарма биноларидан уч-тўрт чақирим нарида олди очиқ қатор бостирмалар бўлиб, буларда мактабга тегишли отлар сақланарди. Йигитлар деярли ҳар куни далада машқлар ўтказишар, сўнг отларни суғориб, ювиб-тараб, бояги бостирмаларда қолдиришганча, пойи-пиёда ётоқхонага қайтишарди...

Султон совуқдан, қор-ёмғирдан, қор уриб ёки ёмғир челаклаб қуяётганида ҳам мунтазам ўтказилган машқлардан бу ерда жуда қийналиб қолганди. У шоир бўлгани учундир, ҳаётда ўзини ҳамиша кучли, матонатли ҳис этган, ҳаёт йўлида нима-ики машаққат дуч келса, енгишга ҳаракат қилганди. Аммо Султон умрида ҳарбий ҳаётни кўрмаган, бир куни бундай шароитга тушиши мумкинлигини хаёлига келтирмаганди. У кўпинча совуқдан дийдираб, ҳўл-шалаббо намойишда даладан ётоқхонага қайтишаркан, ўзича, қани тинч давр бўлса-ю, ўчоқ ёнган бир кулбага кириб, кўнгилдагидек исиниб олсанг, ҳордиқ чиқарсанг, деб ўйларди. Унинг бу тўғрида беихтиёр ўйлаши умуман бежиз эмасди. Қийналишдан ташқари, совуқдан, аёздан қўл-бетлари ёрилган, от устида дўкиллайвериб, отдан йиқилавериб, бутун бадани яра-чақа бўлиб кетганди. Аммо Султон, шу билан бирга, ором-фароғат тўғрисида ўйлашга ҳали эрта эканини ҳис этар, бу тўғридаги ўйларга тезда зарба бергиси келарди... Сен ҳали нима қийинчиликни кўрибсан, йигит?! Фронтга етиб бормаган бўлсанг, урушга кириб, жаҳаннам ўтида куймаган бўлсанг! Сен юзлашадиган машаққатлар ҳали олдинда!.. У шундан сўнг ўз-ўзига таскин берарди... Совуқ суякка сингиб борябди. Майли. Чидаймиз! Қорларда қолиб, ёмғирларда ивиябмиз, тарбия кўрмаган баданларимиз мўматалоқ бўлябди. Майли. Чидаймиз! Бизни эртага бу кунгидан машаққатлироқ ҳаёт кутябди. Майли. Чидаймиз! Чидаймиз, вассалом! Инсонни, гулдан нозик, дейишарди. Бу унчалик тўғри эмас экан. Инсоннинг бадани цементдан қорилган бўлса керак. Инсоннинг бадани цементдан!..

Султон уйини, хотини, болаларини соғинар, кўпинча, эр кишининг кўнгли қанчалик қаттиқ бўлмасин, айрилиқ қаршисида мумдек эриб кетаркан, деб ўйларди. У ҳар куни уйга бир хат жўнатишга тайёр эди. Аммо ортиқча бош қашишга вақт йўқ, кеча-кундуз хизмат камари бирдек боғланган. Султон одатда дўстлари билан постда навбатчиликда туриб танаффус қилганида, тунги соат учми, бешми, қоровулхонада ўтирганича, хат ёзишга тутинарди. Постдаги бошқа йигитлар қоровулхонага кириб, шовқин бошлангач, хатни келган жойида тўхтатар, қўлидаги варақни учбурчак шаклида буклаб қўя қоларди...

* * *

«Моҳирам! Эркам! Хушрўйим!

Сенга, меҳрибон ойижонга, таъмли-тотли, ширин-шакар болаларим — Ботирим, Нуриям, Румиям, Илҳомиямга соғинчли саломлар йўллайман. Мени сизлар олти юрак бир бўлиб соғинасиз, биламан. Мен эсам шу олти юракда жойланган чексиз соғинчни биргина юрагимга сиғдиришим керак. Ҳаммангизни ортиқ даражада суяман. Сенинг бошингни иссиқ кўксимга қўйгим келади. Ойижонга яхши сўзлар айтгим. Болаларимни кучгим, эркалагим... Хайр, майли, сизлар мен учун кўп қайғурманглар, бу кунлар албатта ўтиб кетади. Бошимизга айрилиқ савдоси тушганига қарамай, бизнинг соғ-саломат эканлигимиз яна бир куни дийдор кўришувга умид чироғи эмасми!...

Менинг Илҳомиям қалай?! Соғгина тузалдими?! Белангчакдан тушиб, олдингидек ўйнаб юрибдими?!

Турмуш оғир; сенга, ойижонга, болалар учун сўз билан ифодалаб бўлмас даражада раҳмат! Сизлардан фақат илтимосим, қандай қийинчиликлар учрамасин, бари бир, имкон борича, болаларни койиб-инжитманглар... Бу кунлар ўтиб, бошим соғ бўлса бас, урушга бориб, қўл-оёқсиз қолган тақдиримда ҳам сиз дилпораларимни яхши кунларга олиб чиқаман. Буниси— мендан!

Қишлоқдан опам келса, салом айт, Саид хат ёзса, унга ҳам...

Сенинг ишларинг қандай кетябди?! Уйда ўтин тугаёзганди, нима қилдинглар?! Онда-сонда гўшт, гуруч олиб турасизми?! Ойижон бозорга ҳар бориб-қайтишда ёниб-куйишини сезиб турибман...

Бу ерда баҳор бир оз кечикаётгандек бўлябди. Андижонда баҳор бошландими?! У ерда балки ўриклар гуллагандир?! Имкони топилса, ҳовли юзини ҳар қалай текислаб, ҳар йилгидек гулларни экаверинглар. Қаршингда гул унса, яшаш кўнгиллироқ бўлади...

Менга ўзинг, болалар тушган суратлардан юборгин. Беш-олтита дафтар, тамаки, уч-тўрт қути гугурт. Бошқа ҳеч нарса керак эмас...

Шу кунлар ёзув столимга ўтириб, жон деб биргина шеър ёзардимда! Бу ерда шеър ёзиб бўлмаябди. Ёзсам, ёмон бўлмасди...

Султон».

* * *

Одатда мактабга уй-уйлардан келган хатлар билан аскарлар уйларига ёзишган мактублар ётоқхоналардаги деразалар остида, аралаш-қуралаш қўйда сочилиб ётарди. Йигитлар навбати билан кунда бир кур почтахонага қатнашарди.

Султон барча сафдошлари сингари ҳар куни даладан ётоқхонага қайтгани заҳоти деразага яқинлашишни канда қилмас эди. У мактабга қадам қўйган кунидан буён уйга бир неча мактуб йўллаганди. Аммо биринчи кунлар унга уйдан ҳадеганда хат келавермади. Ниҳоят...

Йигитларнинг кимгадир келган хат-хабарни беркитиб, уни олдин ўйинга тушириш одати бор эди; Султонни кўпчилик қуршаб олишди: битта ўйнаб берасиз, Султон ака...

Султон кавказча бир-икки оёқ тепишдан бўлак иложи қолмади. Йигитлар унга бир эмас, бир даста хат топширишди; олдин ёзилган хатлар ўз вақтида етиб келмаганди.

Султон хатларни ўқиб, кўнгли анча ўсгандек бўлди. Моҳира ундан уй тўғрисида кўп безовта бўлмасликни сўраган, бундан ташқари, Илҳомиянинг саломатлиги дуруст эканини хабар қилганди...

Султон ёзган мактубларга шундан кейин ўз вақтида жавоб ҳам келадиган бўлди... У ҳар қачон уйга хат ёзган ёки уйдан хат олганида, ўзини худди ҳовлига кириб бориб, хонадони аъзолари билан сўзлашган, суҳбатлашгандек ҳис этарди. Султон ҳамон кеч тунларда қоровулхонада ўтириб хат ёзар, энди келган хатларни кўпинча ётоқхонадан ташқарида, назарий машғулотлар учун қўйилган айвон остидаги бўш парталарда ёлғиз ўтириб, роҳатланиб ўқирди... У баъзан болаларини ўйлаб, Бухорони, ўз болалик кунларини эслар, биз ёшликда етимлик, очлик-яланғочлик, сарсон-саргардонликни кўрдик, наҳотки бизнинг болаларимиз бошига ҳам дунёда шундай кўргиликлар тушиши шарт бўлса, деб, кўнгли оғрирди. У ўз болалигини эслаб, Бухорога, болаларини эслаб, Андижонга хаёлан парвоз этар, энди унинг тасаввурида Бухоро билан Андижон қоришиб, гўёки бир маконга айлангандек туюларди. Баъзан уйи, хотини, болаларини соғиниб, беихтиёр қачондир хотирасида ўрнашган бир ғазал сатрини эсларди:

Одам эрмас ҳар киши гар
айламас ёд Андижон...

Баъзан эса унинг тўлиб-тўлиб қўшиқ куйлагиси келар, бу ерда хонандалик қилишни ўзига кўп ҳам эп кўрмагани-ю, бунга ён-веридаги йигитлардан ийманиш йўл бермаганидан, юрагидаги ҳиссиёт унинг томоғига тиқилиб, томоғи куяётгандек бўларди... Азизов деган самарқандлик йигит мактабга ўзининг дуторини кўтариб келганди. У яхши дутор чертар, майин-ёқимли товушда, дардли ашула айтарди. Султон қўшиққа чанқаб, бўғила бошлаганида, шу йигитдан нимадир куйлаб беришини илтимос қилар, самарқандлик йигитнинг соғинчга бағишланган қўшиғини ҳаддан зиёд ёқтирарди:

Бошқалар ҳам биз каби
дийдор кўришга зормикан?..

Аскар йигитлар хат-хабардан бўлак, уй-уйларидан совға-саломлар ҳам олиб туришарди. Мактабда уйдан деярли кун ора нон-патир, талқон, майиз, ўрик-ёнғоқ, асал сингари совға-саломлар олиб талтайишни, бошқа йигитларнинг кўзларини ўйнатиб, бизга турмушдаги қаҳатчилик писанд эмас, дегандек, унга-бунга тегишиб юришни одат қилган бойваччалар ҳам йўқ эмасди. Султон уларни бир оз нохуш қабул қилар, ўзича, мана энди, инқилобдан кейин ҳам, бундай бойваччалар узоқ яшашиб, улар билан ўртача турмуш шароитига эга бўлган кишилар орасида тафовут яна кўп йилларга давом этармикан, деб ўйларди. У ўзига баъзан дафтар, тамаки, гугурт келса кифоя деб биларди. Аммо Моҳира куйманиб, бари бир, ҳафтада, ўн кунда саримсоқми, қалампирми, қўй ёғи, қора чойми, топган-тутганини йиғиб, жўнатишни қўймасди. Султон Моҳиранинг бу ишидан кўнглида инжир, уйга йўллаган ҳар бир хатида, мен сизни оч тутиб, кунда совға-салом олишим қандай гап бўлди, буни бас қилинглар, илтимос, деб ёзарди. У олинган нарсаларни одатда кўпчилик дастурхонига тўкар, ўзи нимадир тановвул қилган пайтида, норасида фарзандлари кўзи олдидан кетмай, изтироб чекарди...

* * *

Мактабдаги йигитларни асосан икки тоифага ажратиш мумкин, машқлар, машғулотлардаги қийинчиликлар ҳам икки хил йўсинда эди. Биринчи тоифа — қишлоқ йигитлари бўлиб, иккинчи тоифани (редакцияда ишлаган суратқашдан орденли шоиргача, оддий муаллимдан Наманганидан келган область маориф бўлимининг мудиригача...) зиёлилар ташкил қилишарди.

Қишлоқда туғилиб-ўсган йигитлар ўз ҳаётларида табиий қийинчиликларни кўп кўришгани сабабли, совуққа, қор-ёмғирга парво қилишмасди. Улар болаликдан от миниб юришганидан, отда сирпанчиқ тепаликларга чиқиш, ўнгирлардан, паст-баланд тахта деворлардан сакраб ўтиш сингари даладаги машқларни ҳам эпчил бажариб кетаверишарди. Бироқ бу йигитлар яхши билимга эга бўлишмаганию, рус тилини пухта билишмаганидан, соддагина ҳарбий терминларнинг мағзини чақишолмас, назарий машғулотларга тушунишолмасди. Зиёли йигитлар тил, ўқиш борасида билимдон. Аммо буларнинг совуққа, қор-ёмғирга тоблари йўқ; отга қараш, от устидаги машқларни бажаришда ҳам ўлгудек қийналишар, дакки ейишиб, хуноб бўлишар эди...

Султон қишлоқда туғилиб-ўсганига қарамай, қишлоқдан узоқлашиб, сўнгги йиллар кўпда қўлини совуқ сувга урмайдиган шаҳарлик йигитларга ўхшаб қолганди. У китобга, билимга доим қизиққанидан, бу ерда топография, типологияни тезда ўзлаштирган, умуман назарий машғулотларда мақтов эшитар эди...

Қўланкалар учди ёнимдан,
Кўкка боқсам — ўрдак тўдаси.
Кутилмади қоқ нишонимдан,
Гир айланиб тушди биттаси...

Султоннинг Андижонда овчи дўстлари кўп; у ишдан толиққан, шаҳарда зериккан пайтлари баъзан овга чиқиб, овлоқ тўқайзорлар, чангалзорларни айланиб қайтарди. Унинг «Овчи» деган шеъри шундай овга чиққан кунлардан бирида ёзилган, Султон анчайин чапдаст мерган эди... Мактабда аниқ нишонга ола билиши унга қўл келди. Бундан бўлак, хатти-ҳаракатлари шаҳарликларга хос ўхшовсизроқ бўлса-да, у қиличбозликни ҳам қисқа фурсатда ўрнига қўя бошлади. Биринчи кунлар совуқдан, қор-ёмғирдан қийналган Султон, ҳаттоки бунга ҳам энди аста-секин кўникиб қолди... Аммо Султонни кўпгина шаҳарлик йигитлардек отга қараш ва айниқса от устидаги машқлар ниҳоятда қийнаб юборганди. У болалик кунлари дала-даштда ялангоёқ мол боққан, ҳеч ким етимчаларга отни ишонмас эди. Кейинчалик эса, Султон, шаҳарда яшаб, маълумки отга ҳеч қачон яқин ҳам йўламаганди... У далада ҳар гал баданига теккан намдан нохуш силтаниб, депсиниб турган отга бир олам ҳаяжон билан яқинлашар, ўзича ғайрат, шиддат билан отни елдиришга шаҳд этарди. Бироқ илк тўсиқдан сакрашдаёқ, оёғи узангидан узилиб, ўзи икки букланганча, қорга, лойга думалаб кетарди. Унга шундай пайтларда ўзининг одатдаги шогирдлари тенги — мўйлови эндигина сабза урган офицер йигитлар аёвсиз дакки беришар, баъзан болохонадор сўкиниб ҳам қўйишарди. Султон изза бўлиб, бу кўнглига малол келса-да, ҳарқалай, устозларидан ортиқча ранжимас, уларнинг бунга ҳақли эканини тушунар эди. Кимдир нўноқлик, ношудлик қилган пайтларда кўпинча гурллаб кулги кўтариларди: уддабуро йигитлар кулишарди. Султон умрида бир мунча обрў-эътибор кўрган киши бўлгани учун ҳам, бундан беҳос эзилар, мана шунисига у ҳаммадан кўпроқ куярди... Султон, йиқилган курашга тўймас, қабилида иш тутар, асабийланиб, яна отга яқинлашар ва яна дам ўтмай, отдан учиб, усти-боши билан лойга ботарди. Ҳар куни аҳвол шу эди... У ожизлик қилаётганини ҳис этар, лекин шу билан бирга, машқларни тезроқ ўзлаштиришни истаб, қандайдир кучанганча, ўзини қийноққа соларди... Беҳуда кучаниш белни синдиради.

Бир куни шундай бўлди ҳам...

Султон отни елдириб, биринчи тўсиқдан ҳайтовур ўтди, аммо иккинчи тўсиққа етганда, от негадир ўзини орқага олди ва у, ҳар галгидек фақат йиқилиб қолмай, бўйни қайрилиб, елка суякларига шикаст етди...

Омон МУХТОРОВ.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Н. КАРИМОВ: Бешёғочдаги Комсомол номли боғ кенгайтирилади, деб эшитдим. Шу тўғрими?

Жавоб: Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Архитектура-планлаштириш Бош бошқармасидан олинган маълумотга кўра, яқин йиллар ичида Комсомол номли маданият ва истироҳат боғи яна бир неча гектарга кенгайтирилади. Кўплаб янги павильонлар қурилади. Келажакда бу ерда халқаро ярмаркалар, турли сайиллар ҳам ўтказилади. Мавжуд кўл яна олти гектарга кенгаяди. Болалар темир йўли реконструкция қилинади. Боғ атрофига жойлашган Навоий номли кино театр қайтадан замонавий лойиҳа асосида қурилади.

∴ ∴ ∴

Р. ҲОСИЛОВ: Алишер Навоий номли академик катта театр қачон ташкил этилган?

Жавоб: 1929 йилда Тошкентда музикали драма театри ташкил этилган эди. 1939 йилда у опера ва балет театрига айлантирилди. 1959 йилда академик, 1966 йилда эса катта театр деган ном берилган. Алишер Навоий номли давлат академик катта театр 1947 йилда янги бинога кўчиб ўтган.

Улкан санъат кошонасининг лойиҳасини А. Шчусев, А. Потелин, Д. Фридман каби меъморлар яратишган.

∴ ∴ ∴

В. ҲАМИДОВ: Қурилиш ташкилотлари ўртасидаги шартномаларнинг тузилиши хусусида билмоқчи эдим.

Жавоб: Маълум бир бино қурилишида иштирок этувчи ташкилотлар ўртасидаги шартномалар СССР Госплани, СССР Давлат қурилиш банки, СССР Молия Министрлиги томонидан қабул қилинган қоидаларга асосан тузилади. Бундай шартномаларни тузишдан олдин лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиши зарур. Уни эса махсус лойиҳачи ташкилотлар буюртмачи билан тузилган шартномага асосан ишлаб чиқишади.

∴ ∴ ∴

Д. ЙЎЛДОШЕВ: Судлов ишларида шахсий кафилликка кимлар ўтишлари мумкин?

Жавоб: Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексининг 76-моддасига кўра шахсий кафиллик шундан иборатки, бунда ишончга сазовор бўлган шахслар, айбланувчи ўзини тегишли тартибда тутади ва суриштирувчи шахснинг, терговчининг, прокурорнинг ҳамда суднинг чақириши билан етиб келади, деб кафил бўлиб, ёзма тилхат берадилар. Кафилларнинг сони икки кишидан кам бўлмаслиги керак.

Шахсий кафиллик тўғрисида тилхат олинганда кафил бўлувчи кишига эҳтиёт чораси кўрилган ишнинг характери айтиб берилади.

Айбланувчи томонидан қилиниши эҳтимол тутилган бирор ҳаракатнинг олдини олиш учун унга нисбатан шахсий кафиллик тариқасида эҳтиёт чораси кўрилган бўлса, лекин айбланувчи шу эҳтимол тутилган ҳаракатни қилиб қўйса, у ҳолда суд томонидан ҳар бир кафилга юз сўмгача бўлган миқдорда пул жаримаси солиниши мумкин.

∴ ∴ ∴

А. ТОШМАТОВ: Улуғ Октябрь революциясидан аввал республикамизда нечта почта-телеграф корхонаси бўлган?

Жавоб: Улуғ Октябрь революциясигача қадар республикамизда почта алоқанинг асосий тури бўлган. Жумладан, 1913 йилда Ўзбекистон территориясида 44 та почта ва почта-телеграф корхонаси бўлиб, улар шаҳарларда жойлашган.

Хозир эса республика территориясида 3500 тага яқин алоқа корхонаси бор. Уларнинг ялпи маҳсулоти йилига 140 миллион сўмни ташкил этади.

ДИЛБАР ТОНГ ҚЎШИҒИ

Дилбар бир тонг.
Енгилгина ҳаво,
Оқ нурларга чўмилган тоғ-тош.
Шовуллар боғ— айни муддао,
Боғда бир қиз,
Кўкда бир қуёш!
Чаман завқи мунаввар қўшиқ,
Хўб чизибди табиат —
наққош.
Тиниқ кўздай тиниққи уфқ,
Боғда бир қиз,
Кўкда бир қуёш!
Тонг қўшиғи яйратар дилим,
Оқ тонгларга интилар ҳар ёш.
Боғ қучоғи сокин ва сўлим,
Боғда бир қиз,
Кўкда бир қуёш!
Пастга бир дам тикилган офтоб,
Ошиқ бўлди,
паришон учди.
Қизни қучмоқ бўлди-ю,
шу тоб —
Оёғига йиқилиб тушди!

ОНА ТАШВИШИ

Она безовтадир, пичирлар лаби,
Гарчанд фарзандидан
кўнгли тўқ эди.
Чироқлар ёқилди, ёришмас қалби,
Қизида кечикар одат йўқ эди
Нимага бунчалар кеч қолмаса у?
Ё йўлдан урдими биронта кимса?!
Йироқда бепарво шовуллайди сув,
Ел билан бепарво ўйнашар майса...
Онанинг хаёли фақат болада,
Ҳа, шундай бўларкан
фарзанд улғайгач.
Боланинг хаёли эса далада,
Уйқу ҳам келмайди ором
йўқолгач...
Она елкасига ташлаб нимчасин,
Аста чиқиб борар кўча бошига.
Ҳали йўловчи кўп —
чўкса ҳамки тун,
Биров суқ қилдими қалам
қошига?!.
Кўкда Ой сочади хирагина зар,
Сал қора кўринса тикар кўзини.
Ҳарбир учраганга солади назар,
Ҳарбир йўловчидан сўрар
қизини.
Ана келаяпти шошганча елиб,
Жондан ортиқ суюк ягона қизи.
— Ойижон!—дейди-ю, қўяди кулиб,
— Кутдириб қўйдим-а,
кечиринг, сизни!
Қанчалар дарғазаб
бўлган бўлса ҳам,
Шунча тез жаҳлдан тушади она.
Урушиш ўрнига, бағрига
маҳкам —
Соғиниб қолгандай босади яна...
Ва дейди:
— Қиз—бир гул, болажонгинам,
Шу гулга посбонман биргина ўзим.
Сенга ишонаман, йўқ асло гинам,
Кейинроқ тушуниб етарсан, қизим!
Кечир, тугатсанг ҳам
менинг сабримни,
Тоза юрагингга ботмасин сўзим.
О, менинг қалбимни,
Менинг қадримни —
Она бўлгандан сўнг
биласан, қизим!
...Йироқда бепарво шовуллайди
сув...

ТУЛҚИН.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ УЧУН

Чемпионлар

Боғчамизда чемпион,
Қўшиқ айтишда Суюн.
Расул расм чизишда,
Лола рақсга тушишда.
Югуришда: Ҳалима,
Аразлашда: Салима!

Чегарачи бўламан

Армияга борсам мен,
Чегарада тураман.
Ўтмоқчи бўлса
душман,
Тумшуғига ураман.
Ватанимни сақлайман,
Ишончини оқлайман!

Йўлдош СУЛТОНОВ.

МАДАНИЯТ ХРОНИКАСИ

ЯНГИ МУЛЬТФИЛЬМЛАР

Шу кунларда Комил Ёрматов номли «Ўзбекфильм» киностудияси қошидаги мультипликаторлар бирлашмасининг аҳил коллективи кичкинтойлар учун қизиқарли фильмлар яратяпти. Режиссёр Светлана Муродхўжаева Султон Иногомов билан бирга «Сеҳрли тоғ эчкиси» деган расмли мультипликацион фильмни суратга олмоқда. Картина сценарийсини Анатолий Қобулов ёзган. Эртак жанрида ишланаётган янги фильм асосида Али ва ёввойи эчки ҳақидаги шарқ афсонаси ётади.

Режиссёр Манзур Маҳмудов «Сеҳрли самовар» деб номланган расмли мультфильмни яратишга киришди. Расмларни режиссёрнинг ўзи чизмоқда. Бу картина ҳам эртак жанрида ишланади. Фильмда мўъжиза, каромат, ажойиб ҳодисалар фақат эртаклардагина эмас, балки ҳаётда ҳам содир бўлиши мумкин — уларни инсоннинг ўзи кашф қилади, деган фикр илгари сурилади. Бу мультфильм сценарийсини ҳам А. Қобулов ёзган.

Қўғирчоқ фильмлари ижодхонасида ҳам иш қизгин. Кичкинтойларга «Қулоқсиз бола», «Тирилган шаҳар», «Узун қулоқ дўст» каби фильмларнинг режиссёрларидан бири сифатида яхши таниш бўлган Ирина Кривошеева тез кунларда «Кел, дўстлашамиз» деб номланган ўзининг биринчи мустақил ишини кенг томошабинлар ҳукмига ҳавола этади. Фильм қаҳрамони Тяпик деган кучукча бўлиб, у ҳақиқий ўртоқ, дўст топишга интилади ва турли кулгили ҳамда кўнгилсиз воқеаларни бошидан кечиради. Томошабин картина давомида ҳақиқий дўст қандай фазилатларга эга бўлиши кераклигини англайди.

Режиссёр Музрав Боймуҳамедов эса Владимир Иогельсон билан ҳамкорликда «Сўнгги Дев» номли қўғирчоқ фильм яратмоқда. Мазкур картина асосида анъанавий ўзбек эртаги бўлиб, яхшилик ҳар доим ёмонлик устидан ғалаба қозонади, деган фикрни илгари суради. Эртакда Мурод қандай қилиб Дев яширинган хурмачани топиб олгани ва йигит бошига тушган ғаройиб савдолар ҳақида ҳикоя қилинади.

Ўйлаймизки, бўлажак мультфильмлар кичкинтойларга олам-олам қувонч бахш этади.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

«САОДАТ»—ПЕДАГОГ-ОЛИМЛАР МЕҲМОНИ

«Саодат» журнали коллективи Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-текшириш институти олимлари билан учрашув кечасини ўтказди. Кечани институт директори ўринбосари, педагогика фанлари кандидати Э. Чориев очиб, журналда берилаётган мақолалар, айниқса, болалар тарбияси ҳақидаги мақолаларни кўпайтириш, оналарга яқиндан маслаҳат беришда педагог-олимларнинг вазифалари ҳақида гапирди.

Кечани «Саодат» журналининг редколлегия аъзоси, педагогика фанлари кандидати Кумри Абдуллаева ва илмий ходим Зинфира Мустафина олиб боришди.

Ўзбекистон халқ шоираси, «Саодат» журналининг бош редактори Зулфия педагог олимларни журналнинг босиб ўтган шонли йўли, навбатдаги вазифалари ва режалари ҳақида таништирди. У журналнинг «Педагог маслаҳати» рубрикасида ёритилиши лозим бўлган мақолаларга олимлар эътиборини қаратди, болаларда турмушда отаонанинг роли, қиз ва ўғил болалар орасидаги дўстлик алоқалари, бола дунёқараши, боланинг дарс тайёрлашига раҳбарлик, оилада нафосат тарбияси, китобга меҳр қўйиш, жасорат, мардлик каби инсоний сифатларни қайси ёшдан таркиб топтириш каби масалалар ҳақида олимларнинг фикр-мулоҳазалари зарурлигини баён этди.

Учрашувда институт олимлари журнал фаолияти ҳақида ўз мулоҳазаларини айтдилар. Журнал редакторининг ўринбосари Х. Аҳророва, бўлим мудири Н. Юсупова, журналист С. Маҳмудова баъзи саволларга жавоб қайтаришди.

Шоира Зулфия ва О. Ҳожиева ўзларининг янги шеърларидан намуналар ўқиб беришди.

О. ПЎЛАТОВА.

Қора денгиз соҳилларига салқин тушиб, жанубий пляжларда дам олувчилар сийраклашиб қолди. Шундай бўлса ҳам Қримнинг машҳур курортларига минглаб дам олувчилар келиб туришибди. Минерал сувлар, шифобахш балчиқлар, денгиз суви билан тўлдирилган ҳавзалар, санаторийлар уларнинг хизматида.

СУРАТДА: Евпаториядаги сув билан даволаш шифохонасининг ҳавзаларидан бирида.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

Ҳафталик программа

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

14 ЯНВАРЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

16.45 «Онамларнинг мактаби». 17.15 «Олдинда олимпиада». Оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати якунларига доир. 17.45 «Ёшлар адреслари». 18.30 Татаристон АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 19.15 «Болаларга аталган шеърлар». 19.30 «Беш йиллик. Якунловчи йил». 20.00 «Қиш лавҳалари». Кинолавҳа. 20.10 М. Шолохов. «Очилган қўриқ». А. С. Пушкин номли Москва драма театрининг фильм-спектакли. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 А. С. Пушкин номли Москва драма театри «Очилган қўриқ» фильм-спектаклининг давоми. Кўрсатув тугагач — (23.40) — «Дунё воқеалари». Информацион кўрсатув.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Олтин бола». Болалар учун мультфильм. 18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Жонажон ўлка». 18.40 Ғалабанинг 35 йиллигига. «Қалбимизда ва ёдимизда ҳамиша» (рус.). 19.10 «Мусобақа: мақсад, характер, тажриба». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Ёзувчи ва замон». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист У. Саидова ва О. Шукуров концерти. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Премьералар, учрашувлар, дебютлар» (рус.). 23.35 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 «Қизиқарли математика». 19.10 «Оловда тобланганлар». Телефильм (рус.). 19.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади «Биз—80 йиллар комсомоллари». 19.50 Тошкент янгиликлари. 20.10 «Вена почта маркаси». Бадиий фильм. 21.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика.

15 ЯНВАРЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 М. Шолохов «Очилган қўриқ». А. С. Пушкин номли Москва драма театрининг фильм-спектакли. Кўрсатув тугагач (13.00)—Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 Мамлакат телевидение студияларининг ҳужжатли фильмлари программаси: «Менинг баҳорги боғим» (Таллин), «Орзи кетидан» (Олмаота), «Зимник» (Иркутск), «Шаҳар остидаги саройлар» (Тошкент). 16.10 «Жонажон табиат». 16.30 Меҳнат Қизил байроқ орденли УССРда хизмат кўрсатган Давлат бандурачилар капелласининг концерти. Бадиий раҳбар—УССР халқ артисти Н. Гвоздь Киевдан олиб кўрсатилади. 17.00 В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги олдидан. «Ленин қадамжолари бўйлаб» (Қозон). 17.30 Тоғ чанғи спорти бўйича жаҳон кубоги учун. Австриядан олиб кўрсатилади. 18.00 Ноқоратупроқ қишлоқлари қурилиши ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 19.00 «Тўлки ва қуён». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Биз ошиқ бўлганда». Фильм-концерт. (Минск). 19.50 «Фан оламида». 20.20 «Очиқ китоб». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-фильм. 1-серия. Давлат телерадиоси буюртмасига биноан «Ленфильм»да тайёрланган (1979 й), 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 СССР халқ артисти И. Архипова иштирокида фильм-коцерт премьераси. 22.35 «Дунё воқеалари». 22.50 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». Киноилова.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.30 Мультфильм. 18.25 «Дастлабки пионер гулханларининг алангаси» (рус.). 18.55 «Миллионлар ленинча университети». «КПССнинг Ленин ғояларига ва васиятларига садоқати». 19.10 «Ўзбекистон —Ноқоратупроқ ерларга». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси уйғур ансамблининг концерти. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Рояль олдидаги суҳбатлар». Г. Назарова. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт». «Қишлов— масъулиятли давр». 22.20 «Отасизлик». Бадиий фильм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильмлар «Тонг юлдузини кўраяпман». «Шунқорлар парвозга шайланмоқдалар» (рус.). 19.10 Эстетика асослари. «Санъат турлари. Хореография». 19.50 Тошкент янгиликлари. 20.10 «Музика менинг ҳаётим». Телефильм. 20.25 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари», «Колхоз ва ер ҳуқуқи». (рус.). 20.55 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика.

16 ЯНВАРЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацоин порграммаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 Мультфильмлар программаси: «Рангли сут». «Гришканинг китоблари». 10.25 «Очиқ китоб». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-фильм. 1-серия. 11.35 «Киносаёҳатчилар клуби». Кўрсатувни Ю. А. Сенкевич олиб боради. Кўрсатув тугагач (12.35)—Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Красноярликлар». Ҳужжатли фильм. Свердлов киностудияси. 16.10 Халқ оҳанглари. 16.30 «Мураббий». Телевизион журнал. 17.00 «Уфқ». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 18.00 «Рус тили». 18.30 «Горнчилар қаердасиз!». 19.00 «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Қалбга яқин қўшиқлар». 20.10 «Очиқ китоб». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-фильм. 2-серия. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Останкино концерт студиясида Қ. Қулиев шеърияти кечаси. Кўрсатув тугагач (23.35) — «Дунё воқеалари». Информацион кўрсатув.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Капелла». Болалар учун фильм-концерт. 11.45 «Петя лақабли қуён қандай қилиб баликни бўлгани ҳақида», «Петя лақабли қуён қандай қилиб шаҳарга борди». Қўғирчоқ фильмлар. 12.15 «Отасизлик» Бадиий фильм. 13.40 Биринчи лига эркаклар командалари ўртасида волейбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Тошкент)— «Кўраппаратура» (Вильнюс). «Меҳнат резервлари» спорт комплексидан репортаж (ёзиб олинган).

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Қуёш қизи». Мультфильм. 18.40 «Тенгдошлар ижоди». 19.10 «Қишлоқ ҳаёти». Пастдарғом хўжаликлараро чорвачилик комплексининг иш тажрибаси ҳақида (рус.). 19.30 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 19.45 Абу Али ибн Сино туғилган куннинг 1000 йиллигига. «Ибн Синонинг илмий мероси ва ҳозирги замон медицинаси». 20.15 «Бернора Қорнева рақсга тушади». Фильм-концерт. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Сабо еткур саломимни» Концерт. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 Телевизион театр. А. Алексин. «Юр, кинога борамиз».

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Эстетика асослари. «Санъат турлари» Музика. (рус.). 19.20 Реклама. 19.40 «Икки эзма». Телвеизион бадиий фильм (рус.). 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. «Колхоз ва ер ҳуқуқи». 20.50 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика.

17 ЯНВАРЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «Горнчилар, қаердасиз!». 10.35 «Очиқ китоб». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-фильм. 2-серия. 11.55 «Рақс менинг ҳаётим». Фильм-концерт (Фрунзе). Кўрсатув тугагач (12.30) —Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Экран» ижодий уюшмасининг телевизион ҳужжатли фильмлари программаси: «Уч денгиз оша», «Дўстим Геленжик», «Учувчи коптоқ». 16.05 «Рус ва совет рассомлари асарларида 1905 йил». 16.30 Молдавия ССР санъат усталарининг концерти. 17.30 «Шахмат мактаби». Бошловчилар класси. 18.00 «Сиз ёқтирган шеърлар». 18.30 «Эрнст Буш». Телевизион ҳужжатли фильм. («Экран»). Туғилган куннинг 80 йиллигига. 19.00 «Қувноқ нотачалар». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Миллионлар ленинча университети». «Совет сайлов системаси—дунёдаги энг демократик системадир». 20.05 «РСФСРда хизмат кўрсатган артист О. Эрдели (арфа) чалади. «Экран». 20.25 «Очиқ китоб». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-фильм. 3-серия. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 22.35 «Дунё воқеалари». 22.50 «Дўстларимиз чеҳраси». Кўрсатувни ёзувчи А. Алексин олиб боради. 23.35 «Апельсин» вокал-чолғу ансамбли ижро этади.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Тежамкорлик режими ва хўжалик ҳисоби». Жамиятшунosликдан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 «Қиш ўрмонга келгани ҳақида». «Ўрмон қўриқчилари». Қўғирчоқ фильмлар. 12.30 «Тежамкорлик режими ва хўжалик ҳисоби». Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатув. 13.00 Болалар учун. «Фонарик» (рус.). 13.30 Киноленинномa. «Надежда». Бадиий фильм. 14.55 Болалар учун «Юлдузча».

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Эллерхейн». Болалар учун фильм-концерт. 18.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернанационал дўстлик клуби». 19.15 «Коммунистлар ҳақида ҳикоялар». «Федюшинанинг характери шундай» (рус.). 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Шингнинг мовий маржони». Телефильм. 20.00 «Нафосат» оламида. «Сайёр-рассомлар» 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Ёш овоалар». Концерт. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Бухоро область Конимех районн чорвадорлари ҳузурида. 22.20 Телевидение экранида биринчи марта. «Мафтункор бахт юлдузи». Бадиий фильм. 1-серия. (рус.). 23.35 Биринчи лига эркаклар командалари ўртасида волейбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Тошкент)—« Калев» (Таллин). «Меҳнат резервлари» спорт комплексидан репортаж (ёзиб олинган). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Абитуриентлар учун Математика. 19.40 Шифокор экрани. 20.10 Тошкент янгиликлари. 20.30 «Бизнинг бош мухбиримиздан». (рус.) 21.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Химия.

18 ЯНВАЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «Ёшлар ижоди». 10.35 «Очиқ китоб». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-фильм. 3-серия. 11.40 «Халқ чолғу асбоблари овози». Баян. Кўрсатув тугагач (12.25)—Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 СССРда соғлиқни сақлаш ҳақида ҳужжатли фильмлар программаси: «Тақдир чизиқлари» (Куйбишев). «Соғлиқ ҳақидаги диалоглар» («Центрнаучфильм»), «Адресни ёзиб олинг» (Украина хроникал-ҳужжатли фильмлар студияси). 16.20 «Таржима санъати». Совет адабиёти таржимонларининг V Халқаро конференцияси ҳақида. 17.00 «Орлёнок» телестудиясининг концерт зали. 17.45 «Москва комсомолининг ишлари». 18.15 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Кийилган туфличалар». Телевизион бадиий фильм премьераси (ГДР). РСФСР халқ артисти В. М. Леонтьеванинг кириш сўзи билан бошланади. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Халқ ижодиёти». Телевизион шарҳ. 20.15 «Сайловдан—сайловгача». 20.25 «Очиқ китоб». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. премьераси. 2-фильм. 4-серия. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 Санъат усталарининг концерти. Кўрсатув тугагач (23.45)— «Дунё воқеалари». Информацион кўрсатув.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Эволюциянинг чоғиштирма-анатомик далиллари». Биологиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 «Лариска лақабли тулки хазина қидиргани ҳақида», «Петя лақабли қуён дўстлари билан хайрлашди». Қўғирчоқ фильмлар. 12.30 «Эволюциянинг чоғиштирма-анатомик далиллари». Биологиядан ўқув кўрсатуви. (рус.). 13.00 Болалар учун. «Санъат ғунчалари» 13.30 «Бахтли бўлишни истасанг». Бадиий фильм.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Бўёқлар ўғриси» Мультфильм. 18.40 «Меҳнаткашлар дам олишига давлат ғамхўрлиги» (рус.). 19.10 «Илғор тажриба мактаби». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Тош, дарахт, металл». Телефильм. 20.00 «Оламда нима гап?» Халқаро воқеалар шарҳи 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 И. О. Охунбобоев номли Андижон музикали драма ва комедия театри солистларининг концерти. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 Телевидение экранида биринчи марта. «Мафтункор бахт юлдузи». Бадиий фильм. 2-серия (рус.). 23.20 Биринчи лига эркаклар командалари ўртасида волейбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Тошкент)— «Автомобилист» (Грозний). «Меҳнат резервлари» спорт комплексидан репортаж (ёзиб олинган).

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Капитанлар, капитанлар...» (рус.). 18.55 «Сахи бахши». Фильм-концерт. 19.20 «Буюк зафарлар йили». «Тошкент трактор заводи». 19.50 Тошкент янгиликлари. 20.10 «Табиатга муҳаббат» (рус.). 20.40 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Чизма геометрия.

19 ЯНВАРЬ. ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.50 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.10 «АБВГДейка» 10.40 «Очиқ китоб». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-фильм. 4-серия. 11.45 «Ота-оналар, Сизлар учун». 12.15 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». Болаларга архитектура ҳақида. 12.45 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 13.15 «Москвичка». Телевизион клуб. 14.20 «Спортлото» тиражи. 14.35 «Шоир Михаил Исаковский». (Туғилган куннинг 80 йиллигига) 15.30 «Дунё воқеалари». 15.45 «Адресимиз —Совет Иттифоқи». Воронеж шаҳар бадиий коллективлари иштирокида программа. 16.30 Мультфильмлар программаси. 16.55 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 17.55 Болалар учун фильм. «Тамбу-Ламбу». Телевизион бадиий фильм. Давлат телерадиоси буюртмасига биноан «Ленфильм»да тайёрланган. 1957 й. 18.25 А. Юрлов номли давлат Республика академик рус хор капелласининг концерти. 18.55 Лейпциг шаҳрида бўлиб ўтган XXII Халқаро кино-телефильмлар фестивалида соврин олган фильм. «Туғалланмаган репортаж». Телевизион ҳужжатли фильм. «Экран». 1979 й. 20.05 В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги олдидан, «Она садоқати». Бадиий фильм. М. Горький киностудияси. 1966 й. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Олтин нота». ГДР. дан олиб кўрсатилади. 23.00 Спорт программаси: Конькида югуриш бўйича Европа чемпионати. Эркаклар. 500 м. Норвегиядан олиб кўрсатилади. Тоғ чанғи спорти бўйича жаҳон кубоги. Швейцариядан олиб кўрсатилади. Кўрсатув тугагач (23.55) — Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Кинопублицист экрани». 11.00 «Ҳижрон». Муқимий номли Ўзбек Давлат музикали театрининг спектакли. 12.50 «Ўзбекистон, олимпия йили». Спорт программаси. 13.20 Телевидение экранида биринчи марта. «Ҳамма гап акамда». Бадиий фильм. 14.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қизлар давраси». 15.55 «Жанговар постда».

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Болалар учун фильм. «Оқ автомобиль». 18.45 «До-ре-ми-фа-соль». Болалар учун музикали ўқув кўрсатуви. 19.15 «Эҳтиёт бўлинг грипп!» 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Циркни севмай бўладими» Телефильм. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артист Жўрабек Набиев куйлайди. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 Телевидение эрканида биринчи марта. «Тўлин ой кечаси». Бадиий фильм. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

II

Тожикистон телевидениесининг программаси.

20 ЯНВАРЬ. ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 «Зарядкага сафланинг!». 10.05 «Восток» клуби халқ ашула ва рақс ансамблининг концерти. Тошкентдан олиб кўрсатилади. 10.30 «Будильник». 11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!» 12.00 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. Кўрсатувни врач Ю. В. Белянчикова олиб боради. 12.45 «Тонгги почта». Музикали программа. 13.15 «Фан ва техника». Киножурнал. 13.30 Колхоз қурилишининг 50 йиллиги олдидан. «Қишлоқ янгиликлари». 14.30 «Музикали киоск». Кўрсатувни Э. Беляева олиб боради. 15.00 «Мангу даъват». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. «Мосфильм» Давлат телерадиосининг буюртмасига биноан. 1974 йил. 16.15 «Ҳаётга йўлланма» туркумидан. «Ким бўлсам экан?». Телевизион ҳужжатли фильм премьерасида (Ленинград). 17.05 «Хатларингиз асосида». Музикали программа. 17.50 «Киносаёҳатчилар клуби». Кўрсатувни Ю. А. Сенкевич олиб боради. 18.50 «Қуёнлар ҳаммомчаси». Мультфильм. 19.00 «Халқаро панорама». 19.45 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси эстрада-симфоник оркестрининг концерти. Дирижёр —СССР халқ артисти Ю. Силантьев. 20.05 «Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан». 20.20 «Ўз бахти». Телевизион бадиий фильм. премьераси. Давлат телерадиоси буюртмасига биноан А. Довженко номли киностудиясида тайёрланган. 1979 й. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Операга бориш пайти келди...» Фильм-концерт премьераси (Ленинград). 23.05 Конькида югуриш бўйича Европа чемпионати. Эркаклар. 1500 м, 10000 м. Норвегиядан олиб кўрсатилади. Кўрсатув тугагач (23.55)—Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Биз Тошкентданмиз». Қорақалпоғистон АССР ва Ўзбекистон областлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. 12.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 13.10 «Оналар мактаби». 13.40 «Сайловдан—сайловгача» (рус.). 14.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иш куниндан сўнг». 15.45 Реклама.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Қайтиш», «Билмасвой шоир». Мультфильмлар. 18.55 Болалар учун ҳушчақчақ кишилар шаҳри (рус.). 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 М. Турғунбоева номли хизмат кўрсатган Ўзбек Давлат «Баҳор» халқ рақс анасмблининг концерти. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 М. Турғунбоева номли хизмат кўрсатган Ўзбек Давлат «Баҳор» халқ рақс ансамбли концертининг давоми. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Эртага —премьера» Кинокўрсатув (рус.). 23.15 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси

16.00 Кўрсатувлар программаси. 16.05 Экран—болаларга. 17.00 Ҳужжатли фильм. 17.55 «Олтин тўй». Фильм-концерт. 18.35 «Ватан ҳақида сўз». 19.20 Телевидение экранида биринчи марта: «Қуёш сўзи қандай ёзилади». Бадиий фильм. 20.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 21.30 Москва. «Время». Информацион программаси. 22.05 Қирғизистон санъат усталарининг концерти. Кўрсатув тугагач— Кўрсатувлар программаси.

РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА

Хоразм Давлат филармонияси

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

14, 15 ЯНВАРЬ СОАТ 19.30 ДА, 16 ЯНВАРЬ СОАТ 16.00 ДА

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган артист БОБОМУРОД ҲАМДАМОВ

Солистлар: Раъно АННАЗАРОВА, Турсунали КЕНЖАЕВ, Зокир ҚОБИЛОВ, Маҳамаджон ҲИДИРАЛИЕВ, Султонмурод ХОЛМУРОДОВ, Клара НУРМАТОВА.

Иллюзия — Турғун МАЛИКОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Касса соат 10.00 дан ишлайди.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги «ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

22, 23, 24, 25 ЯНВАРЬ СОАТ 20.00 ДА

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ЛЕНИНОБОД РЕСПУБЛИКА МУЗИКАЛИ КОМЕДИЯ ТЕАТРИ АРТИСТЛАРИНИНГ

КАТТА КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ХОНАНДАЛАР:

Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артист ЖЎРАБЕК НАБИЕВ

Каромат ҲОЖИЕВА, Абдураҳим НЕЪМАТОВ, Шариф НУРМАТОВ, Аҳмаджон ОЧИЛБОЕВ, Абдураҳмон ҲАСАНОВ, Асрор КАМОЛИДДИНОВ.

РАҚҚОСАЛАР:

Феруза АЮБЖОНОВА, Гуландом АЮБЖОНОВА, Хайри БЎРИЕВА, Сафрон ЕДГОРОВА, Мўътабар ҚОСИМОВА, Нориинсо ХОЛШАЙХОВА, Ольга СОШНИК.

ТОЖИК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Музика раҳбари — Ҳожи АЛИМАТОВ.

Программани — Абдураҳим НЕЪМАТОВ олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

25 ЯНВАРДАН БОШЛАБ

ЯНГИ ПРОГРАММА

(2 бўлимда)

«БУГУН ВА ҲАР КУНИ»

АРЕНАДА БИРИНЧИ МАРТА

ВАЛЕРИЙ КУЗЬМИН РАҲБАРЛИГИДА

ЎРГАТИЛГАН БЎҒМА ИЛОН БИЛАН ТИМСОҲЛАР

Доимо манежда масхарабоз ҳазиллари ва репризлари, ТАНИҚЛИ МАСХАРАБОЗ, РСФСРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ ЕВГЕНИЙ МАЙХРОВСКИЙ ИЖРОСИДА ИНТЕРМЕДИЯЛАР.

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00, 19.30 да якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ЎҚУВ ЮРТЛАРИ, БОЛАЛАР МУАССАЛАРИ, КОЛХОЗЛАР СОВХОЗЛАРНИНГ ЗАЯВКАЛАРИ БЎЙИЧА БИЛЕТЛАР КАССИРЛАР ТОМОНИДАН ЖОЙЛАРГА БОРИБ СОТИЛАДИ.

44-35-84 телефон номери бўйича заявкалар қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг

ТОШЕНТ ҲУНАР-САВДО БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ СОТУВЧИ ВА СОТУВЧИ-КОНТРОЛЁР КАССИРЛАРНИ ИККИ ЙЎНАЛИШДА ТАЙЁРЛАЙДИ:

баққоллик-кондитерлик, гастрономия, гўшт-балиқ ва сут маҳсулотлари бўйича;

газлама, тикув буюмлари, пойафзал, трикотаж, галантерея, парфюмерия, маданий-маиший ва хўжалик молларининг сотувчи ва сотувчи контролёр-кассирларни тайёрлайди.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати 1 йил.

ДАРСЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА ЯШАЙДИГАН 15 ДАН 20 ЁШГАЧА (ҳамда Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 23 ёшгача) БЎЛГАН 8, 9, 10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАНЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини тугатганларга «КИЧИК СОТУВЧИ». «СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ КОНТРОЛЕР-КАССИР» **деган малака берилади.**

Ўқувчиларга 32 ва 41 сўмдан стипендия берилади.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳридаги илғор магазинларда: Бош Универмаг ГУМ, «Гастроном» республика конторасига қарашли йирик магазинлар ва «Универсам»ларда ўтказилади.

ЎҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (асли), турар жойдан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 3 дона фотосурат, характеристика, ота-онасининг иш жойидан справка, халқ депутатлари совети шаҳар ижроия комитети савдо бўлимининг йўлланмаси (давлат савдоси ташкилотидан йўлланма).

Билим юртининг адреси: Тошкент—173, Чилонзор районн, Бобир кўчаси, 3-уй. Телефон 78-44-30 (4, 9, 19-трамвайларнинг «Чўпон ота» бекати 13, 70 автобусларнинг «Тез медицина ёрдами клиник касалхонаси» бекатлари).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА—15/I да **Севги ҳақида қисса.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—15/I да **Олтин девор.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/I да **Шаҳзода ва етим қиз.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА **Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган артист Бобомурод ҲАМДАМОВ** иштирокида КАТТА КОНЦЕРТ. (19.30).

КИНО

14 ЯНВАРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ФАЛАСТИНЛИКЛАР: ЯШАШ ҲУҚУҚИ»—**Қозоғистон.**

«ОЛТИНЧИ ТУЙҒУ» — **Навоий номли.**

«ДНЕПР БЎЙИ ЧИРОҚЛАРИ»—**Фестиваль.**

«ҲАҚИҚИЙ ДЎСТЛАР»— **Восток.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БЕҲУДА УРИНИШ»— **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52). **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87). **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), **Искра** (16, 18, 19.45, телефон: 39-14-59), **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-80-30).

«СЕВГИМ МЕНИНГ, ҚАЙҒУМ МЕНИНГ»— **Восток** (кичик зал, жуфт соатларда, телефон: 91-14-61).

«КИЧИК МАСХАРАБОЗ» — **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 53-86-07).

15 ЯНВАРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ОЛТИН КУЗГА КЕЛАСАН» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ФАЛАСТИНЛИКЛАР: ЯШАШ ҲУҚУҚИ»—**Қозоғистон.**

«ОЛТИНЧИ ТУЙҒУ» — **Навоий номли.**

«ДНЕПР БЎЙИ ЧИРОҚЛАРИ»—**Фестиваль.**

«ҲАҚИҚИЙ ДЎСТЛАР»— **Восток.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БЕҲУДА УРИНИШ»— **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52). **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87). **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), **Искра** (16, 18, 19.45, телефон: 39-14-59), **Мир** (тоқ соатларда, телефон: 91-08-30).

«СЕВГИМ МЕНИНГ, ҚАЙҒУМ МЕНИНГ»— **Восток** (кичик зал, жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«КИЧИК МАСХАРАБОЗ» — **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 53-86-07).

«Главташкентстрой» «ЖИЛСТРОЙ» трестининг

3-ЙИРИК ПАНЕЛЛИ УЙСОЗЛИК ЗАВОДИГА

операторлар, дозировкачилар, транспортировкачилар, электр-газ пайвандчилар, контрол-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича слесарь-сантехниклар, ускуналар ва кўприкли кранларни созлаш бўйича слесарь-сантехниклар, кранчилар, қолипчи-бетончилар, такелажчилар, арматурачилар, сувоқчилар, электрослесарлар, навбатчи слесарлар ва электриклар, лаборантлар, бўёқчилар, ёрдамчи ишчилар, қоровуллар

КЕРАК

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан, оилаликлар навбати билан квартира билан таъминланадилар.

«Главташкентстрой»

2-«ОТДЕЛСТРОЙ» ТРЕСТИГА

сувоқчилар, бўёқчилар, дурадгорлар, пардозловчилар, мармарчилар ва транспорт ишчилари

КЕРАК

Ёлғиз кишилар ётоқхона ва Тошкент шаҳрида прописка билан таъминланадилар.

Мутахассисликни эгаллашни хоҳлаганлар ўқув комбинатига юбориладилар.

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — Аҳолини ишга жойлаштириш бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакциясининг коллективи «Тошкент оқшоми» газетаси редакторининг ўринбосари С. Б. Ёқубовга отаси

Боқижон ЁҚУБОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

4 бет. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02. бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари—32-53-10; адабиёт ва санъат—32-56-81; ахборот — 33-28-95 спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери 32-73-94 нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

14 ЯНВАРЬ, 1980 й. Р — 07022. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Б—2023.